

М. Х. ЮСУПОВ

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАРМОҒИДА
ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА НАЗОРАТИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Монография

«NOSHIR»
ТОШКЕНТ—2013

УДК: 33:624(575.1)

КБК 38.3-3:65.052

Қ 38.3

Т а қ р и з ч и л а р:

Р.О. Холбеков — ТДИУ «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси муdiri;

Р.Д. Дусмуратов — иқтисод фанлари доктори, профессор

Юсупов М.Х.

**Қ-38.3 Курилиш материаллари тармоғида харажатлар ҳисоби
ва назорати хусусиятлари:** / Р.О.Холбеков, Р.Д. Дустмуратов.
— Тошкент: Ношир, 2013. — 128 б.

ISBN 978-9943-4112-3-4

Курилиш материаллари тармоғида харажатлар ҳисоби ва назоратининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу хусусиятлар харажатлар ҳисобига бевосита таъсир этади. Ушбу монография бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва талаблар асосида ҳамда бу соҳада мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлиб, унинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларига услубий ёрдам беришдир.

УДК: 33:624(575.1)

КБК 38.3-3:65.052

ISBN 978-9943-4112-3-4

© «NOSHIR» нашриёти 2013.

*Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигинг 21 йиллиги ва
орамиздан бевақт кетган устоз-
лар ва яқинларимнинг порлоқ
хотирасига бағишланади.*

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қисқа вақт мобайнида бозор муносабатларини қарор топиши ва ривожланиши учун объектив ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилди ва улар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай 2011 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари ва мамлакат иқтисодиётининг макроиқтисодий мувозанатлилиги таъминланди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўтган йилда 8,3 фоизни ташкил қилди, саноат ишлаб чиқариши барқарор юқори суръатлар билан — 6,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,6 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,4 фоизга, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш — 16,1 фоизга ўсди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,2 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси тасдиқланган параметрлардан ошмади. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоиздан кўпроғи ижтимоий соҳани ва аҳолини қўллаб-қувватлашни молиялаштиришга йўналтирилди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш натижасида умумий саноат

маҳсулоти ўсишининг қарийб 70 фоизи юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларга тўғри келди. Машинасозлик ва автомобилсозлик (ўсиш 12,2 фоиз), кимё ва нефть саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебель тармоқлари (18,0 фоиз) энг изчил суръатларда ривожланди.

Хизматлар ва сервис соҳаси жадал суръатлар билан ўсди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди.

Маҳсулотлар экспорти ҳажми 2011 йилда 15,4 фоизга ўсди, жами экспортнинг қарийб 60 фоизи тайёр маҳсулотларга тўғри келади. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4,5 млрд доллардан ортиқ бўлди.

Молия — банк соҳасида ижобий ўзгаришлар юз берди — банкларнинг капиталлашуви ошди, уларнинг активлари ҳисобот йилида 32,4 фоизга ўсди. Маблағларни депозитларга жалб этиш ҳажми 36,3 фоизга, шу жумладан аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ўсди. Банклар кредит портфелининг 85,3 фоиздан кўпроғи ички манбалар ҳисобига шакллантирилди (2000 йилда 54 фоиз). Тижорат банюшрн кредит қўйилмаларининг 75 фоиздан кўпроғини узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил қилади.

2011 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсати амалга оширилди. Ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 11,2 фоизга ўсди. Реал секторга қарийб 2,9 млрд. АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар жалб этилди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади. Жами инвестицияларнинг 73,5 фоиздан кўпроғи ишлаб чиқариш қурилишига, қарийб

¹ Каримов И.А. «2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантирининг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» Ўз Р ВМнинг 19.01.2012 й 1-сонли баёни.

45,3 фоизи эса замонавий, юқори унумли ускуналар харид қилишга йўналтирилди.

Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилди. Ўтган йилда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари бир йилда 23,1 фоизга кўпайди. Кейинги ўн йилда аҳоли даромадларидаги табақалашиш коэффициенти 21,1 барабардан 8,3 барабаргача қисқарди.

Бандликнинг ҳудудий дастурларини амалга ошириш натижасида 970,9 минг янги иш ўрни ташкил этилди, уларнинг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларига тўғри келади. 2011 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича умумий майдони 1,1 млн кв.м бўлган 7,4 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилди.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун энг аввало стратегик вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарур. Бу борада юртбошимиз И.А. Каримов 2011 йил республикани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устивор вазифалари тўғрисидаги 2012 йил 19 январидagi мажлисида шундай деган эди. «Бизнинг энг асосий стратегик вазифаларимиз иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашишни чуқурлаштириш, янги юқори технологияли ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини янада жадаллаштириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини рақабатбардошлигини ошириш;

Транспорт ва муҳандислик коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш;

Қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш Дастурини амалга оширишни давом

эттириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ва аҳолини бандлигини таъминлаш дастурини амалга оширишни жаддаллаштириш зарур»

Демак, келгусидаги асосий вазифаларимиздан бири корхонларда экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Бунинг учун маҳсулотлар рақобатбардош бўлиши ва товар ишлаб чиқарувчиларимиз хорижлик ишбилармонлар билан бўладиган рақобатда устунликка эришишлари лозим. Рақобатдаги устунлик энг аввало маҳсулот таннархининг паст даражалиги, ишлаб чиқиладиган маҳсулот сифатининг юқори бўлиши ва бозор талабига тезда мослашиши билан белгиланади.

Рақобатдаги устунликнинг энг муҳим омили бўлган маҳсулот таннархининг таркиби ва унинг кўрсаткичлари тўғрисидаги аниқ маълумотларга эга бўлиш корхоналарни жорий даврда оптимал бошқариш билан бирга унинг истиқболли тараққиётини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Уларни амалга ошириш бухгалтерия ҳисобида энг авало унинг таркибий қисми ҳисобланган харажатлар ҳисоби ва назоратининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастабки кунлариданоқ бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди¹. Бухгалтерия ҳисобининг қонуний ва меъёрий асослари яратилди. Мамлакат миқёсида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши харажатлар ҳисоби ва назоратининг услубий, техник ва ташкилий масалаларни ечиш учун етарли шароит яратилган бўлсада, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини бу соҳадаги барча муаммолари ўз ечимини тўлалигича топмаган. Республика иқтисодида қурилиш материаллари компанияси корхоналари алоҳида ўрин тутди. Ҳозирги пайтда унинг таркибида 87 та корхона мавжуд бўлиб, 2010

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. — Т.: Ўзбекистон, 1997.

йилда амалдаги нархларда 873,7 млрд сўмлик, 2011 йилда 1120,7 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилган. Курилиш материалларини ишлаб чиқариш 2011 йилда 2009 ва 2010 йилларга нисбатан мос равишда 1,5 марта ва 1,3 марта ўсган.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклидан қатъий назар ресурслардан самарали фойдаланиш, харажатларни тежаш муҳим вазифалар ҳисобланади. Ушбу масалалар айниқса, қурилиш материаллари корхоналарида ўта долзарбдир. Чунки бугунги кунда мазкур тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва назоратини қабул қилинган миллий андозаларга мослаштириш бўйича анча ишлар қилиниши лозим.

Ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби ва назоратини ташкил этиш бўйича ва такомиллаштириш масалалари чет эл иқтисодчи олимлари ва Ўзбекистонлик олимлар, Х.Андерсон, П.Дж.Айсенг, О.Аупер, К.Дури, Р.Н. Энтони, А.Ф.Аксененко, В.Ф.Палий, А.Д.Шеремет, С.Б.Қодирхонов, Н.Ю.Жураев ва бошқаларнинг ишларида кенг ўрин олган. Лекин мазкур илмий ишларнинг кўпчилиги режали иқтисод шароитидан келиб чиқиб бажарилган. Шу сабабли иқтисодиётнинг мазкур тармоғида харажатлар ҳисоби ва назорати ўз ечимини топмаган.

Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги ва уларнинг бозор иқтисодиёти талаблари асосида ҳал этишнинг талаб қилиниши ушбу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб борилишини ўта зарурлигини белгилаб беради.

Монографияларда қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратиш зарур:

- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкилий-технологик хусусиятини ўрганиб харажатлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналишини белгилаш;

- гишт ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот тан-нархининг ҳисоблашни такомиллашган усулини ишлаб чиқиш;

— аналитик ҳисобни ташкил қилишда фойдаланиш учун гишт ишлаб чиқариш харажатларини янги тартибдаги калькуляция моддаларини асослаш;

— қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланидиган машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатларини ҳисобга олиш усулини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

— харажатларнинг тезкор ва жорий назорати ҳозирги ҳолати ўрганилиб уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Монографиянинг биринчи бобида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва назоратининг назарий асослари ўрганилган ва иқтисодни эркинлаштириш шароитида харажатларни туркумлаш ва маҳсулот таннархини шакллантиришнинг назарий аҳамияти асосланган.

Монографиянинг иккинчи бобида ишлаб чиқариш харажатларининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Молиявий ҳисобда харажатларни ҳисобга олишни такомиллаштириш йўллари таклиф қилинган. Шунингдек харажатларни ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш бўйича таклифлар берилган.

Монографиянинг учунчи бобида харажатларни тезкор ва жорий назорат услуби ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, харажатларни тезкор ва жорий назоратини амалга ошириш усуллари тавсия қилинган.

Хулоса қисмида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришга қаратилган хулоса ва таклифлар умумлаштирилган. Ушбу таклиф тавсияларни амалиётга қўлланиши фикримизча, акциядорлик жамиятлари молиявий хўжалик фаолиятини яхшилашга, улардаги иқтисодий ишларни такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга асос бўлади.

I БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бозор муносабатларининг эркинлашуви шароитида харажатлар ҳисоби муммолари

Ҳар қандай иқтисодиётнинг ўзига хос бошқарув аппарати мавжуд бўлиб, у ўз функциясини бажариш учун маълум ахборат тизимига асосланади.

Ахборат тизимининг шаклланиши бухгалтерия ҳисобига бевосита боғлиқ бўлиб, у ахборотларни йиғиш қайта ишлаш ва умумлаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Чунки ҳисоб китоблар умумий иқтисодий ахборотларнинг ҳажмида бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг ҳиссаси тахминан 70% ни ташкил қилишни кўрсатди.

Республикамиз ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг тараққиётнинг ўзига хос йўли аниқланди ва уни амалга ошириш учун иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар амалга ошира бошланди. Бунда энг асосий эътибор Президентимиз И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодига ўтишнинг асосий ва тамойилларига, режали иқтисоддан бозор иқтисодига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан, шунингдек янғисини яратмасдан эскисини бузмаслик тамойилларига асосланилди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бухгалтерия ҳисоби янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинди, шунингдек, бозор иқтисоди талаблари асосида такомиллаштириб борилди. Бозор талабларига мос ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда асосий эътибор иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаш-

тириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилди бунда жаҳон тажрибасидан фойдаланилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов идоралароаро мувофиқлаштириш Кенгашининг йиғилишида қўйидагича таъкидлаган эди: «Эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир».

Бухгалтерия ҳисобида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Бунинг учун қўйидаги асосий мақсадлар белгиланган эди:

- Ўзбекистон иқтисодиётига ташқи ва ички инвестицияларни кириб келишини имкониятларини кўпайтириш, хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантириш;

- чет эллик ҳамкорларга халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, чет эллик ҳамкорлар билан тенг муносабатли алоқада бўлиш;

- Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизими халқаро бухгалтерия ҳисоби билан таққослаш имкониятларини яратиш, чет эллик ҳамкорларга ахборотларни ўз вақтида сифатли етказиб беришдир.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодига ўтилиши муносабати билан бухгалтерия ҳисоби олдида қўйидаги муаммолар вужудга келди:

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари мажмуини белгилаш билан боғлиқ муаммолар;

- мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг хилма-хиллигини ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммолар;

- мамлакатимиз хориж инвестицияларига асосланган корхоналарда бухгалтерия ҳисобини услубий асосини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммолар;

— мамлакатимизда ташкил топган кичик ва ўрта бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар.

Бухгалтерия ҳисоби муаммоларининг вужудга келишини асосий сабаби режали иқтисод шароитида маҳсулотлар ва хизматларнинг баҳолари давлат томонидан белгиланиши, барча мулкларнинг эгаси давлат ва унинг ягона сармоядори эканлиги билан боғлиқдир. Буларнинг барчаси бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқариш топшириқларини бажарилишини акс эттирадиган кўрсаткичларга мослаб ҳисоб юритиш ва солиққа тортиш базаси ва бошқа бюджет ажратмаларини бевосита бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида ҳисоблаш каби асосий талабларни вужудга келтирган.

Биринчи гуруҳга кирувчи бухгалтерия ҳисобининг муаммолари иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши билан боғлиқдир.

Чунки бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бошида давлат туради, яъни давлат бош ислохотчидир. Шунинг учун ҳам ислохотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг таъсири кучли бўлиши табиийдир. Бу айниқса, айрим турдаги товарлар, хизматлар ва маҳсулотларга белгиланган баҳоларда яққол намоён бўлади. Шу билан биргаликда маълум товар, маҳсулот ҳамда хизматлар баҳолари бозор талаби таклифлари асосида белгиланади.

Юқоридаги хусусиятлар корхоналарда бухгалтерия ҳисобини услубий асосини ишлаб чиқишда ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг ҳам эътироф этиш керакки, мустақилликнинг 20 йили мобайнида республикаимизда бухгалтерия ҳисобини ислох қилишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асослари МДҲ давлатлари ичида биринчилар қатори яратилди.

Бу даврда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва янги ҳисоблар режаси ишлаб

чиқилди. Ўзбекистонда халқаро экспертлар ёрдамида замонавий ва жаҳон анозаларига асосланган маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари ва молиявий натижаларнинг шакилланиши тўғрисида махсус низом ишлаб чиқилди. Республика давлат органлари жамоат ташкилотлари тамонидан ушбу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ва уларни амалиётга қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатларда асосий ургу эркин сотиладиган маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқарадиган (кўрсатадиган) корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишга қаратилган.

Республикамиз иқтисодиётида айрим тармоқлар хусусан қурилиш материаллари корхоналари етакчи ўринларни эгаллайди. Ушбу тармоқ корхоналарини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Тўлиқ монопол маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар.

2. Эркин ва монопол маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар.

3. Эркин маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар.

Гуруҳга бўлиниши ушбу корхоналарда ҳисоб сиёсатини ташкил қилишда давлатнинг таъсир даражасига қараб корхоналарнинг уч гуруҳга бўлиниши ушбу корхоналарда ҳисоб сиёсатини ташкил қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу масала харажатлар ҳисоби ва назоратига ҳам таллуқдир. Монопол маҳсулотларга нархларнинг давлат томонидан белгиланиши корхоналарнинг тегишли давлат органларига харажатлар таркиби, маҳсулот таннархи тўғрисида маълумотларни беришни талаб қилади. Ушбу маълумотлар асосида корхоналарнинг маҳсулотлари баҳолари аниқланади ва назорат қилиб борилади. Шунинг учун монопол ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатлар ҳисоби шундай ташкил қилиниши зарурки, давлат органларига тақдим қилинадиган ҳисоботлар орқали зарур маълумотлар олиш имкониятлари мавжуд бўлсин.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонунда бухгалтерия ҳисобини юритиш асосий қоидалари белгиланган:

— бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзуви усулида юритиш;

— узлуксизлик;

— ҳўжалик операциялари, актив ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;

— аниқлик;

— ҳисоблашиш;

— олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);

— мазмуннинг шаклдан устунлиги;

— кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;

— молиявий ҳисоботларнинг бетарафлиги;

— ҳисобот даври даромадлар ва харажатларининг мувофиқлиги ушбу қоидалар бухгалтерия ҳисобининг халқоро андозалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, барча корхоналарда юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг асоси бўлиб хизмат қилади. Республикамизда ишлаб чиқилган миллий стандартларда асосан урғу эркин сотиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган ва хизмат кўрсатадиган корхоналарга берилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики монопол ва баҳолари давлат органлари томонидан ўрнатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқувчи ва хизмат кўрсатадиган корхоналарда уларни қўллаш имкониятларини чекланганлигини кўрсатди. Чунки монопол корхоналар баҳоларни давлат томонидан ўрнатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотининг тўла таннархи ва унинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар тегишли давлат органларига тақдим қилиниши шарт.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврилидаги 54-қарор билан тасдиқланган маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажати таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги тўғрисидаги Низомда фақат маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарахини шаклланиши кўрсатилган.

Ҳозирги давр харажатлари таркибида ҳисобга олинаётган умумхўжалик харажатлари 1995 йилгача корхонада ишлаб чиқилган маҳсулот «иш ва хизматлар» ўртасида тақсимланар эди. Бу эса бозор муносабатларига ўтилиши билан боғлиқ иккита муаммони вужудга келтирди:

1. Маҳсулот таннархини молиявий тизимда ҳисобга олиш билан боғлиқ муаммолар,

2. Маҳсулот таннархини бошқарув ҳисоб тизимида ҳисобга олиш билан боғлиқ муаммолар.

Юқоридаги муаммоларнинг вужудга келиши асосан республикамизда молиявий ва бошқарув ҳисобини корхоналарда етарлича ташкил қилинмаганлигидир.

Бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири бошқарув тизимини асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумолар билан тезкор равишда таъминлашдир.

Аниқроғи хўжалик ҳисобида ишловчи корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини акс эттирувчи ҳақиқий тезкор ва аниқ маълумотлар бухгалтерия ҳисоби таъминланиши лозим.

Шундай қилиб юқорида айтилганларга асосланиб, ҳозирги даврда бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси бошқарув жараёнларини ва ташқи фойдаланувчиларни зарур маълумотлар билан таъминлаш, хўжалик фаолияти ҳисоботларини тузиш ва назорат қилишдан иборат деб белгилаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида муҳим масалалардан бири ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишдир. Чунки янгича шароитда ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, унинг мазмуни ва айрим харажатларнинг моҳияти тубдан ўзгаради.

Бизнингча, ушбу муаммони ҳал қилиш йўлларида бири ривожланган мамлакатларда мавжуд харажатлар ҳисобини республикамизни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга татбиқ қилиш ёки амалдаги харажатлар ҳисоби тизимини бозор иқтисоди талабларидан

келиб чиққан холда такомиллаштиришдан иборатдир. Бизнингча, харажатлар ҳисоби тизимини ривожлантиришда бозор иқтисодига асосланган, ривожланган мамлакатларда харажатлар ҳисобини ташкил қилиш тажрибаси алоҳида ўрин тутadi. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархининг ҳисоблашнинг учта усули қўлланилади: «Стандарт костинг», «Абзорпшен кост», «Директ костинг» усуллари.

Юқоридаги учта усулнинг бир-биридан асосий фарқи доимий харажатларни маҳсулот таннархини ҳисоблаш даврлари ўртасида тақсимлаш тартиби билан характерланади.

Ривожланган мамлакатларда харажатлар ҳисоби тизимларидан бири Директ костинг тизими ҳисобланади. Бу тизимга асосан ишлаб чиқариш ҳажмига кўра харажатларни доимий ва ўзарувчан харажатларга ажратилади. Ушбу тизимнинг асосий хусусияти шундан иборатки, таннарх фақат ўзарувчан харажатлар, яъни ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ривожлантирилади ва ҳисобга олиб борилади.

Бунда ишлаб чиқариш харажатлари таркибида умумий ишлаб чиқариш харажатлари мавжуддир.

Доимий харажатлар алоҳида счётда тўпланади ва ҳисобот ойининг охирида молиявий натижалар счётига ўтказилади ва омбордаги тайёр маҳсулотлар қолиқлари йил бошига ва йил охирига ҳақиқий харажатлар асосида баҳоланади.

Бунда ишлаб чиқариш харажатлари таркибида умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳам мавжуддир.

Доимий харажатлар алоҳида счётда тўпланади ва ҳисобот ойининг охирида молиявий натижалар счётига ўтказилади ва омбордаги тайёр маҳсулотлар қолдиқлари йил бошига ва йил охирига ҳақиқий харажатлар асосида баҳоланади.

Бунда ҳақиқий харажатлар таркибига доимий харажатлар киритилади, ушбу тизимда даромадлар тўғрисидаги ҳисобот икки даражада ҳисобланади.

Биринчи даража маржинал даромадни кўрсатади, яъни ялпи тушумдан ўзгарувчан харажатлар айрилади, пастки кисми иккинчи даража, соф даромадни кўрсатади, яъни маржинал даромаддан доимий харажатлар айрилади.

«Директ костинг» тизимининг муҳим хусусияти ишлаб чиқариш харажатлари (таннархи) ҳажми, маржинал даромад ва фойданинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқаси асосида ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ушбу тизимнинг қўлланилиши бухгалтерия ҳисобида фойда ва зарарларни тезкор равишда ҳар ойнинг бошида аниқлайди ва ҳисоботлар ҳажмини янада қисқартиради.

С.В.Сатубалдин ўз асарида Америка фирмаларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг иккита тизими қўлланилишини таъкидлайди.

Ҳар бир корхона ушбу икки тизимдан бирини ёки иккаласини ҳам ўз фаолиятида қўллаши мумкин. Натижада корхонанинг молиявий натижаларига бевосита таъсир қилувчи маҳсулот таннархини объектив ҳисоблаш имконияти яратилади. Маҳсулот таннархини ҳисоблаш ҳозирги даврда республикамиз корхоналарида бир нечта фаолият турларининг амалга оширилиши туфайли янада зарурроқ ҳисобланади.

Республикамизда қабул килинган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига кўра маҳсулот таннархини аниқлашнинг қуйидаги усуллари кўзда тутилган: 1) Буюрт-мали; 2) Босқичли; 3) Норматив усули.

Ўзбекистан Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари №4 сонидан ушбу усуллар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Лекин ушбу усулларни тўлиқлигича қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жорий этиб бўлмайди. Чунки ушбу корхоналарнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб ва уларнинг айрим томонларини таҳлил қилиш асосида амалиётга қўллаш мумкин деб

ўйлаймиз. Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилиш, маҳсулотнинг таннариhini тўғри ва объектив ҳисоблаш ва корхонанинг молиявий натижаларини тўғри аниқлаш имконини беради.

Ҳаражатлар ҳисоби ва назоратини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил қилишда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий воситаларига амортизация ҳисоблаш ва уларнинг ҳисобини юритишдаги муаммоларнинг аниқ ечимларини топиш алоҳида аҳамиятга эга.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда амортизация ҳисоблаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган амортизация нормаларига мувофиқ тўғри чизиқли усулда ҳисобланади.

Бундан ташқари, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда Ўзбекистан Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига кўра бир қанча усуллар ҳам тавсия қилинган. БХМС №5 кўра амортизация ҳисоблашнинг қуйидаги усулларини қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

1. Амортизация ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усули;
2. Бажарилган ишнинг ҳажмига мутаносиб амортизация ҳисоблаш (ишлаб чиқариш методи);
3. Амортизация нормасининг икки бараварига оширилиб камайиб боровчи қолдиқ методи;
4. Йиллар йиғиндиси методи.

Амортизация ҳисоблашнинг юқоридаги усулларидан ҳозирги пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиш бўйича шарҳлар йўқ.

Бизнинг фикримизча, ушбу усулларни қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўллаш учун махсус тавсиялар ёки шарҳлар, шунингдек йўриқномалар ишлаб чиқилса, уларни қўллаш имконияти янада яхшироқ бўлар эди.

Ишлаб чиқариш харажатларида материаллар сарфини тўғри акс эттириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки уларни

баҳолашда турли усулларнинг қўлланилиши бевосита молиявий натижаларга таъсир қилади. Шунинг учун ҳам корхоналар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида рухсат этилган моддий-қийматликларини баҳолаш усулларини танлашда ва уларни ҳисоб сиёсатида расмийлаштиришда ҳар бир усулнинг иқтисодий оқибатларини чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида товар моддий қийматликларини баҳолашнинг «ФИФО» ва ўртача қиймати бўйича баҳолаш усулларига рухсат этилган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида эса товар моддий қийматликларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархида акс эттириш мақсадида ҳозирги даврда харажатларни аниқлашнинг турли хил шаклидан фойдаланилади:

- а) биринчи кирим, биринчи чиқим (ФИФО);
- б) ўртача тортилган баҳо;
- в) охириги кирим, биринчи чиқим (ЛИФО);
- г) асосий захира;
- ж) кейинги кирим, биринчи чиқим (НИФО);
- з) кейинги сотиб олиш баҳоси.

Чет мамлакатларда корхона ишлаб чиқариш хусусияти ва имкониятларига қараб материалларни баҳолашда фойдаланиш учун бу вариантлардан бирини танлаб олинади.

Шундай қилиб, бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодиётимизнинг эркин мавжуд бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш жараёнида қатор ташкилий ва услубий муаммоларни вужудга келтиради.

Ушбу муаммоларни қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда муваффақиятли ҳал қилиниши эса республикаimiz иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ўз таъсирини ўтказди.

1.2. Ҳаражатларнинг туркумланиши ва маҳсулот таннархининг шаклланиши

Ҳаражатлар ҳисоби ва назоратини тўғри ташкил қилиш уларни асосли режалаштириш, ҳаражатларнинг маҳсулот таннархида тутган салмоғи, бир-бирига нисбати, ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасига таъсирларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш учун улар тўғри туркумланиши керак.

Ҳаражатларни туркумлашнинг зарурияти энг аввало, ҳаражатларнинг таркиби ва иқтисодий мазмунининг ҳар хиллиги, маҳсулотларни тайёрлаш жараёнидаги ўрни, ишлаб чиқаришнинг ҳажми билан боғлиқлиги, маҳсулот таннархига қўшилиш тартиби ва бошқа жиҳатлари билан белгиланади.

Иқтисодий адабиётларда ҳаражатларнинг туркумланиши ҳар хил мезонларда ва усулларда ифодаланган. (1-чизма). Жумладан иқтисодий мазмунига қараб, меҳнатнинг характерига кўра, технологик жараёнларга кўра, ишлаб чиқаришдаги ролига қараб, таннархига қўшилишига кўра, ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги, таркибининг бир хиллиги, моддалари бўйича, таркиби, тузилиши, режалаштириш тамойили, режада қамраб олинишига қараб, ҳисобот даврига кўра таннархга олиб бориш даврига кўра хўжалик фаолиятининг тармоқлари ишлатиш жойи, доиравий айланишнинг босқичлари, вужудга келиш жойлари, ҳаражат жойи ва тармоқлари, ҳаражат марказлари, роли ва вужудга келиш жойларининг боғлиқлиги, ички хўжалик бўлинмаларига муносабати, қийматининг элементларига муносабати бўйича, кимга тегишлилиги бўйича, сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича ва ҳ.к.

Ҳаражатларни туркумлашнинг юқоридаги белгилари бўйича амалга оширилиши уларнинг барчасини битта хўжалик субъектида ҳаражатлар ҳисоби ва назоратини ташкил қилишда фойдаланилмайди. Шунингдек, ушбу

туркумлашларнинг барчасини амалиётга қўлланилиши имкониятларини чекланганлигидадир.

Мамлакатимиз ва чет эл адабиётларида бозор иқтисодиёти шароитида харажатларнинг туркумланиши ва уларнинг харажатлар ҳисоби ва назоратини ташкил қилишда қўлланилиши бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Бир қатор иқтисодчилар харажатларнинг йириклаштирилган фақат бир неча туркумланишини таклиф қилсалар, бошқалари эса аксинча турли белгилари бўйича деталлаштирилган туркумланишни тавсия қиладилар. Масалан, С.С. Сатубалдиннинг фикрича АҚШ даги турли фирмаларнинг ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш натижасида уларни иқтисодий мазмунига кўра асосий харажатлар ва устама харажатлар шаклида гуруҳлаш тавсия этилади. Асосий харажатларга фақат материаллар ва ишлаб чиқариш — саноат ходимларининг бевосита тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган меҳнат ҳақи харажатлари қўшилади, қолган ҳамма харажатлар устама харажатларга тааллуқлидир.

Худди шу фикрни Энтони Р, Рис Дж ҳам қўллаб-қувватлайди, ўзгарувчи харажатлар ишлаб чиқариш (маҳсулот ишлаб чиқариш) ҳажмига тўғри мутаносиб равишда ўзгариб боровчи харажатлардир.

Доимий харажатлар эса маълум даврдаги харажат қисми бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарган билан умумий сумма ўзгармайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 1999 йил 5 январдан бошлаб республикамызда амалда қўлланилаётган харажатлар таркиби тўғрисида №54 сонли Низомга мувофиқ харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигига қараб доимий ва ўзгарувчан харажатларга туркумлана бошланди. Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот таннархига киритилади, доимий харажатлар эса давр харажатлари таркибида ҳисобга олинади ва ўша даврдаги фойда суммаси ҳисобидан қопланади. Махсус адабиётларда

харажатлар ҳисобининг бундай тартиби умуман ижобий баҳоланади.

Ишлаб чиқариш харажатларининг доимий ва ўзгарувчан харажатларга гуруҳланиши, давр харажатларининг тан олинishi ва фойда ҳисобидан қопланиши билан бевосита боғлиқдир. Давр харажатлари тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати билан бевосита боғлиқ эмас. Республикамизда қўлланилаётган харажатлар ҳисоби тамойиллари маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган «Директ-костинг» тизимининг элементларини қисман ўзлаштирилган шакли сифатида қараш мумкин. Шу билан биргаликда унинг қўлланилишини барча корхоналар учун ижобий деб бўлмайди. Чунки, Республикамизда қўлланилаётган харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг юқоридаги тизими камчиликлардан ҳоли эмас. Сабаби «Давр харажатлари» таркибида анчагина маҳсулотларнинг ҳаракати ва ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ бўлган ўзгарувчан харажатлар ҳам мавжуд. Масалан, маҳсулотларни ўраш ва қадоклаш, жўнатиш харажатлари. Ушбу жараёнлар бевосита маҳсулотларнинг ҳажмига боғлиқ. Шунингдек, умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олинаётган айрим доимий харажатларни давр харажатлари таркибида ҳисобга олиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, чет эл фирмаларида харажатларни туркумлаш бошқарув тизимининг маълумотларга бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳатто бир фирманинг ичида ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Маълумки, харажатларни элементлари бўйича гуруҳлашнинг асосида иқтисодий жиҳатдан бир хил мазмунга эга бўлган харажатлар ётади. Бунда уларнинг вужудга келиш жойлари ва тайинланиши эътиборга олинмайди. Харажатларни иқтисодий элементлари бўйича гуруҳлаш корхонанинг ишлаб чиқиладиган маҳсулотлари учун қанақа харажатлар сарфланишини билиш ва маҳсулот

таннархини режалаштириш учун зарур. Шунингдек, харажатларни иқтисодий элементлари бўйича гуруҳлаш барча маҳсулотларга сарфланган харажатларнинг режа ва ҳақиқий кўрсаткичларини таққослаш учун керак бўлади. Умуман олганда харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича гуруҳланиши маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилинган аниқ сарфларни ифодалайди. Ушбу маълумотлар корхонанинг фаолияти учун барча зарур харажатларни режалаштириш ва ҳақиқий сарфланган харажатларни назорат қилишда кенг фойдаланилади.

Харажатларнинг иқтисодий белгилари бўйича гуруҳлаш жами харажатда жонли ва унумли меҳнатни аниқлаш учун зарур. Бу кўрсаткичлар маҳсулотларга материал сарфланишини, ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳолатини назорат қилиш учун керак бўлади. Шунингдек улар тармоқ, минтақа, мамлакат ва жаҳон миқёсида бошқа ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланилади.

Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва тузилишини маълум давр (йиллар) бўйича таҳлил қилиш маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини аниқлашга имконият беради. Техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлашуви харажатлар таркибининг ўзгаришига, яъни маҳсулот таннархида материаллар, ёқилғи энергетика ресурслари ва асосий воситалар амортизацияси суммаси салмоғини оширишга ҳамда нисбатан меҳнат ҳақи харажатлари суммасининг камайишига олиб келади.

Юқорида таъкидланганидек, харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш корхонанинг харажатларини белгиланган мақсадлар бўйича сарфланиши, уларнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турларига ва ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар олишга мўлжалланган.

Маҳсулотларнинг таннархи тўғрисида алоҳида маълумотлар иқтисодий элементлар бўйича эмас, балки моддалар бўйича ўрганилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш мақсадида улар калькуляция моддалари бўйича ҳам гуруҳланади.

Маҳсулот таннархини аниқлашнинг объективлиги ва ишончлилиги, режалаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг сифати кўп жиҳатдан калькуляция моддаларининг қай даражада гуруҳланишига боғлиқдир.

Тармоқ миқёсида харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш масалалари бўйича методик курсатмаларда харажат моддаларининг руйхати, уларнинг таркиби ва маҳсулот таннархи ўртасида тақсимлаш усуллари аниқлашда ушбу тармоқ ва ундаги корхоналарнинг ўзига хос ташкилий технологик хусусиятлари эътиборга олинishi зарур.

Корхона бўйича харажатлар таркиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумки 10 журнал ордерда ёки унинг ўрнига ишлатиладиган машинапрограммада келтирилади. Шунингдек, назорат учун 20 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг аналитик ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади. Калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки уларнинг гуруҳларига олиб бориладиган харажатларни масъулият ва вужудга келиш жойлари бўйича олиб боришда фойдаланилади.

Калькуляция моддаларининг номенклатураси, энг аввало, маълумотларнинг аналитик (кенг қамровли маълумотлар бериш) бўлишини таъминлайди. Чунки содир бўлган операцияларни назорат қилиш, режалаштириш ва истиқболни белгилашдаги ҳисоб-китобларда калькуляция моддалари таркиби ва тузилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Республикамиздаги бир қатор иқтисодчи-олимлар томонидан тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда калькуляция моддалари номенклатурасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб

чиқилган. Масалан, Ризокулов А.А., Ибрагимов А.К., Хасанов Б.Х, Холбеков Р., Пардаев А.Х, Кудбиев Д.К. ва бошқалар. Аммо қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар миқёсида ушбу муаммо илмий нуқтаи назардан ҳал этилганича йўқ.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, шунингдек эришилган муваффақиятларни ҳар бир бўлинма бўйича баҳолаш учун харажатларни вужудга келиш жойлари ва масъулият марказлари бўйича гуруҳлашни талаб қилади. Ушбу белгилар бўйича харажатларни тўғри гуруҳлаш учун, энг аввало, уларнинг моҳияти, тайинланиши ва корхонанинг амалий фаолиятидаги аҳамиятини аниқлаш зарур.

Республикамиз ва хориж амалиётида ҳозирча уларни тушунишда яқдиллик йўқ. Харажатларни тўғри ва самарали бошқариш учун уларни келиб чиқиш жойлари ва масъулият марказлари бўйича ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Харажатларни бошқариш қатор вазифаларни ўз ичига олади, яъни харажатларнинг меъёрланиш тартиби, харажатлар сметасини тузиш, харажатлар ҳисобини вужудга келиш жойлари ва масъулият марказлари бўйича ташкил қилиш ва бошқа вазифалар.

Ҳақиқий харажатларни смета харажатлари билан таққослаш натижаси ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни бошқариш учун муҳим маълумот бўлиб ҳисобланади.

Харажатларнинг турлари, вужудга келиш жойлари ва масъулият марказлари бўйича туркумлаш уларни вужудга келган пайтиданоқ бошқариш муаммосини ечиш имконини беради.

Харажатлар ҳисобини маъсулият марказлари ва уларнинг вужудга келиш жойлари бўйича юритиш қатор муаммолар ечими билан боғлиқдир. Энг аввало, харажатларнинг вужудга келиш жойлари, харажат марказлари ва масъулият марказлари тушунчаларига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки қуйида ушбу масалага иқтисодчи-олимларнинг ёндашишларини кўриб чиқамиз.

Масалан, В.Б. Ивашкеевич харажатларнинг вужудга келиш жойларига ишлаб чиқаришдаги, цехлар, участкалар, бўлимлар бўйича харажатларни, харажат марказларига эса асбоб-ускуналар, машиналар, иш жойларини гуруҳлашни тавсия этади.

Б.И.Миненко ва В.Д. Наводоворский харажатлар ҳисоби объектларига уларни вужудга келиш жойларини ҳам киритади ва бу тушунчани ташкил қилувчиларнинг таркибига ишлаб чиқариш участкаларини ҳам киритади.

Р.Мюллендорф, М.Корренбуэр «Харажатларнинг вужудга келиш жойлари деганда мустақил ҳисоб объектига бўлинган ишлаб чиқариш участкалари ёки цехларни» тушунади.

С.А.Николаева «Харажатларнинг вужудга келиш жойлари бўйича ҳисоб, корхонанинг горизонтал (ишлаб чиқариш бўлинмалари кўзда тутилди) харажатлари таркиби тўғрисида тушунча беради» деб ҳисоблайди. С.А. Стуков эса ишлаб чиқариш ҳисобини харажатларнинг алоҳида вужудга келиш жойлари ёки харажат марказлари бўйича юритиш, бир вақтни ўзида уларни масъулият марказлари деб ҳисоблаш мумкинлигини эътироф этади.

Р.Энтони, Дж Рисни фикрича «Харажат маркази — бу ёки бир неча ўзаро боғланган функциялар ёки фаолият турлари билан боғланган харажатларни олиб бориш объектида жавобгарлик маркази — бу бошқарувчи томонидан раҳбарлик қилинадиган ташкилий бўлинмадир».

В.Ф.Палий «Харажатлар маркази бу дастлабки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бирлиги бўлиб, функцияларни ва ишлаб чиқариш операциясининг ҳар хиллиги, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва техник жиҳозлаш даражаси, харажатларни йўналтирилганлиги билан фарқ қилади». «Масъулият маркази бу ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни хўжалик бўлинмалари ва масъул шахслар бўйича гуруҳлаш бўлиб, улар режа ва нормативдаги харажатларни устидан назоратни таъминлаши ва маҳсулот таннархини пасайтириш учун жамоа ва шахсий жавобгар-

ликни амалга оширилиши ва ундан манфаатдор бўлиши зарур».

В.Ф. Палий ва Р.Вандер Вила таҳрири остида эълон қилинган «Управленческий учёт» китобида «Харажат маркази бўлим ёки ишлаб чиқариш бирлиги бўлиб, ресурслар истеъмол қилинадиган ва тегишли харажатлар йиғиш мумкин бўлган жой», «Масъулият маркази ягона раҳбар бошқаруви остидаги ташкилий бўлинма».

Юқорида кўриниб турибдики, муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган ушбу китобда В.Ф.Палий ўз фикрини ўзгартириб «харажатлар маркази» ва «масъулият марказига» бошқача таъриф беради. Бизнингча у мазмунан ўзгармаган.

Бозор муносабатларининг чуқурлашуви туфайли харажатлар ҳисобини юритишда «Харажатлар маркази», «Харажатларнинг вужудга келиш жойлари» ва «Масъулият марказлари»нинг аҳамияти ўта долзарб бўлади. Бу, айниқса ишлаб чиқариш жараёни нисбатан мураккаб ва сермехнат бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни таҳлил қилиш қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг ўзига хос ташкилий-технологик жараёнларини ўрганиш, бизга «Харажат марказлари», «Харажатларнинг вужудга келиш жойлари» ва «Масъулият марказлари» тушунчаларига қуйидагича таъриф бериш имкониятини берди:

«Харажатлар маркази» — бу ишлаб чиқариш жараёнининг дастлабки босқичи бўлиб, бевосита маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни билан боғлиқ бўлган ресурслар истеъмол қилинадиган ва йиғиладиган жойдир. Демак, ишлаб чиқариш харажатларини «Харажатлар марказлари» бўйича гуруҳлаш маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар таркиби тўғрисида кенгроқ ва аниқ маълумотлар олиш, уларнинг сарфи устидан назоратни кучайтириш, шунингдек маҳсулот таннархини аниқ ҳисоблаш имконини беради. Шу нуқтаи назардан В.Б.Ивашкевичнинг қуйидаги фикри эътиборга лойиқдир:

«Харажатлар маркази харажатларни вужудга келиш жойларининг нисбатан батафсилроқ гуруҳлаш бўлиб, харажатларнинг дастлабки марказларининг йигиндиси сифатида қараш лозим».

«Харажатларнинг вужудга келиш жойлари» деганда ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган корхонанинг энг қуйи бўлинмасидан энг юқори поғонасигача бўлган ташкилий тузилмалари (бригада, бўлим, цех ва бошқалар) бўйича харажатларнинг шаклланиши тушунилади. Харажатлар ишлаб чиқариш бўлинмасининг ҳам қуйи, ҳам юқори бўлинмасида содир бўлади. Масалан, корхона бошқарув аппаратида сақлаш харажатлари (иш ҳақи, биноларни сақлаш харажатлари ва ҳоказолар).

«Масъулият марказлари» деганда корхона харажатларининг сарфланишни устидан назоратни таъминлаш мақсадида уларни масъул шахслар бўйича гуруҳлаш тушунилади. Масалан: бригада сарф харажатлари учун масъул шахс бригадир ҳисобланади. Шунинг учун ушбу харажатларнинг сарфланишини назорат қилиш учун уларни ҳар бир бригада бўйича гуруҳлаш талаб қилинади. Шундай қилиб, «Масъулият марказлари» «Харажатлар маркази»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у кўп хилларда «Харажат марказлари»нинг йигиндисига тенг бўлади. Юқорида таъкидланганидек харажат марказлари бу ишлаб чиқаришнинг энг қуйи босқичи бўлиб, бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнидаги харажатлар гуруҳланади ва уларнинг таркиби тўғрисида батафсил маълумот беради. Масалан, бригадада бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин, бунда ҳар бир маҳсулот турини ишлаб чиқариш алоҳида «Харажат маркази» бўлса бригадир эса уларнинг барчаси учун масъул ҳисобланади, яъни харажат марказининг якуний натижаси учун жавобгардир.

Ишлаб чиқариш харажатларини харажатлар маркази ва масъулият марказлари бўйича бошқариш қуйидаги тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

— ишлаб чиқариш бўлинмаларида барча харажатлар учун жавобгарларни белгилаш;

— асоссиз четга чиқишларга йўл қўйганлик учун жазолар тизимини ишлаб чиқиш;

— харажатларни бошқариш тизими ҳар бир бўлинма бўйича унинг натижасидан манфаатдор бўлишини таъминлаш.

Харажатларни бошқаришнинг ихчам тизимини яратиш учун қуйидаги масалаларни ечиш билан боғлиқдир. Уларнинг энг асосийси ҳисоб ва аналитик ишларни бажаришнинг ташкилий томонларини қуйидагича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— ушбу ишни ким бажаради (аниқ ижрочи, корхона, бўлинма);

— нимага асосан (бошланғич ҳужжат);

— қайси ҳисоб ва таҳлилий кўрсатмалардан фойдаланилади (йўриқнома, услубий тавсиялар, низомлар);

— ҳужжат қаерга берилади ва қайси мақсадлар учун фойдаланилади (сметаларнинг бажарилишини масъулият марказлари бўйича баҳолаш учун, мукофот суммасини аниқлаш учун ва бошқалар);

— бажарилган ишларни ҳисобга олиш тартибини аниқлаш;

— харажатларни чегаралашни самарали тизимини ишлаб чиқиш ва фойдаланишни талаб қилади.

Асосий эътибор ишлаб чиқариш ҳажмини ва фойда суммасининг ўсишига қаратилиши зарур. Ишлаб чиқариш жараёнидаги асоссиз четга чиқишлар учун жавобгарлиكنинг турли шакллари қўлланилиши мумкин. Корхоналарнинг у ёки бу ишлаб чиқариш бўлинмаларига кўрсатган зарари миқдорларини қоплаш ва ундиришнинг ягона тартибини белгилаб қўйиш зарур.

Асосий эътиборни яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан келаётган йўқотишларга қаратиш зарур. Яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган ёки яроқсиз хизмат кўрсатаётган цех нафақат зарарини тўлаш уни келгусида қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларини ҳам қоплаши зарур.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини харажат марказлари ва масъулият марказлари бўйича ташкил қилиш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

1. Корхоналарнинг цехлари, участкалари ва бошқа ташкилий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини режалаштириш ва ҳисобга олишни такомиллаштириш.

Корхонанинг масъулият марказлари бўйича самарали фаолият кўрсатишни назорат қилиш учун ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий ва техник жиҳатдан асосланган норма ва нормативларни ишлаб чиқиш;

Даромадлар ва харажатлар сметасининг бажарилишини тезкор таҳлил қилишни ташкил қилиш;

Ишлаб чиқаришда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги учун моддий рағбатлантириш тизимини яратиш.

2. Моддий жавобгарликни кучайтириш мақсадида ички ишлаб чиқариш даъвосини санкцияларни қўллаш.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги бошқарув даражаларига қараб харажатлар учун масъул бўлган шахсларни аниқлаш имконини беради. Бунда ҳар бир даражадаги масъулият марказлари фақат ушбу бошқарув даражасига бевосита боғлиқ бўлган ва унга ушбу даражадаги раҳбар таъсир қила олиши керак бўлган харажатларни ўз ичига олиши зарур.

Корхоналарда харажатларни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад маҳсулотлар таннархи ва унинг даражасига таъсир этишдан иборатдир. Шунинг учун харажатларни тезкорлик билан бошқариш мақсадида аксарият ривожланган мамлакатларда тезкор меъёрларга асосланган тезкор калькуляция тузилмоқда. Тезкор калькуляцияни тузишда тўғри моддий харажатлари, иш ҳақи, бошқа тўғри харажатлар, шунингдек эгри харажатларнинг белгиланган меъёри қўшилади. Тезкор калькуляцияга кундалик ҳафта-

лик ва ўн кунлик калькуляциялар киради. Шунингдек лимитли калькуляция ҳам тузилади. Ушбу калькуляция тури келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни янги техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг такомиллашган усуллари қўллаш эвазига харажатларни минимал даражада, фойдани эса максимал даражада режалаштириш учун имконият яратади.

Маҳсулот таннархини у ёки бу турини ҳисоблашдан қўзланган мақсад корхонанинг бошқарув аппарати учун зарур бўлган маълумотларни вужудга келтиришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ҳисобланилган ҳар бир таннарх бошқарув жараёнида маълум бир функцияни бажаради. Шу ўринда профессор И.С.Мацкевичкoning калькуляциянинг алоҳида турлари ҳақидаги қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқдир, калькуляция турларининг алоҳида функцияси ўзига хос бўлиб, уларнинг бошқарувига таъсири ушбу босқичнинг хусусиятлари ва функциялари бир-бирига ўхшаш бўлган фаолиятда қўлланишига боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув бўғинининг (звено) ҳар бир босқичидаги бошқарув ходимлари маҳсулот таннархининг алоҳида кўрсаткичларини талаб қилиши мумкин.

Бизнингча, профессор П.С.Безрукихнинг «ўз маҳсулотлари таннархини калькуляция қилиш усулини ташкилотнинг ўзи белгилаши керак, таннархни бошқариш эса бош бухгалтернинг зиммасида бўлиши керак» деган таклифи ҳам ўринлидир.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳозирги амалда қўлланаётган маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари кўп йиллардан бери ўзгармай қолмоқда. Тўғрироғи ҳозирги кунда ҳам режали иқтисодиёт шароитидаги «Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналарида маҳсулот таннархини режалаштириш, ҳисобга олиш ва калькуляция қилиш бўйича йўриқнома»га асосан амалга оширилмоқда. Маълумки, ушбу йўриқнома бозор иқтисодиёти шароити талабларига тўлиқ жавоб

бермайди. Ушбу корхоналарда маҳсулот таннархи қуйидаги кўрсаткичлар орқали ҳисобланмоқда:

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи:

Маҳсулот турларининг ишлаб чиқариш таннархи. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи корхона бўйича ҳисобланади. Бунинг методологик асоси маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом ҳисобланади. Унга мувофиқ қуйидагилар:

1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойда ҳисобига олинadиган ҳамда давр харажатларига киритилadиган харажатлар:

- а) сотиш харажатлари;
- б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);
- в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлар:

- а) фоизлар бўйича харажатлар;
- б) чет эл валютаси бўйича муомалаларнинг салбий курс тафовутлари;

- в) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

4. Фавқулодда зарарлар.

Харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш учун зарур маълумотларни тайёрлаш нуқтаи назаридан гуруҳлаш корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тузиш учун зарур.

II БОБ. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ҳозирги ҳолати

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш, шу жумладан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини амалиётга жорий қилиш, счётларни халқаро ҳисоб стандартлари талабига мослаш, ички ва ташқи аудитни ташкил қилиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардандир. Бозор муносабатлари шароитида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш асосий масалалар жумласига киради.

Мамлакатимизда умуман бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида маълум ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, тармоқлар харажатлари ҳисобида сезиларли ўзгаришлар тўлиқ амалга ошмаган. Амалдаги харажатлар ҳисобида собиқ Иттифоқ давридаги ёки ягона давлат мулкига асосланган ҳисоб тамойилларини таъсири мавжуд. Респуликаимизда турли мулкчилик ва рақобатта асосланган «ҳисоб сиёсати»ни тузиш ривожланмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ўз мазмуни ва мақсадларнинг теранлиги ва кенглиги билан ажралиб туради. Ушбу масалалар орасида кўп укладли мулкчиликни барпо этиш муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган масалалардандир. Шу нуқтаи назардан қараганда ислохотларни кўп укладли иқтисодиётни барпо этишдаги узоқ жараён тарзида қарамоқ керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Биз стратегик жиҳатдан олганда кўп

укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини кўйганмиз, бунда устиворлик хусусий мулкка, кичик ва ўрта бизнесга берилади».

Кўп укладлилиқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси сифатида ўзининг асосий тавсифи билан миллий иқтисодиётдаги умумий қайта қуриш жараёни билан чамбарчас боғланиб кетган.

Унинг яратилиши давлат мулки ҳукмронлигидан хилма-хил мулкчиликка ўтишни билдиради.

Булар умумий манфаатдорлик асосларидан бири бўлиб, ишлаб чиқарувчининг бозор билан кундалиқ алоқасини яратадиган йўналиш бўлиб қолиши керак.

Бу масалалар мажмуида ҳўжалиқ бошқарувидаги барча функциялар, шу жумладан ҳисоб ва назоратни такомиллаштириш вазифалари ётади. Бу осон йўл эмас. Унинг мураккаблиги консерватив қарашлар ва аввалги тасаввурларни енгиш, фуқароларда эғалиқ ҳиссини уйғотиш, бозор муносабатларининг ривожланишига тўсқинлиқ қилаётган маъмурий — буйруқбозлик тизими қолдиқларига барҳам бериш зарурати ётади. Бозор тизими барча мулк эғалиқларининг тенг ҳуқуқлигини ва уларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатини таъминлаши, ижтимоий — ҳуқуқий асосни яратиши зарур. Бунинг учун бозор муносабатлари тизимида бухгалтерия ҳисобининг алоҳида молиявий, бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш зарур. Чунки ушбу тизимлар жамиятдаги манфаатдор аҳоли ва корхонанинг бошқарув аппарати учун зарур маълумотлар тайёрлаб беради.

Юқоридаги ҳисоб тизимларининг барчаси бирдек аҳамиятли ҳисобланган харажатлар ҳисоби шу жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган ҳақиқий харажатларни аниқлаш, уларнинг даражаси ва ушбу даражадан четга чиқиш, вужудга келиш сабаблари ва

жавобгар шахсларни аниқлаш учун зарур маълумотларни беради.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ва унинг бўлинмаларида маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ҳисобини прогрессив усулларини қўллашни тезлаштириш зарур, бугунги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардаги харажатлар ҳисоби тизими чет эл инвесторларнинг талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Харажатлар ҳисобини бозор муносабатлари талаби асосида юритиш учун, энг аввало, харажатлар ҳисоби тизимининг молиявий ва бошқарув ҳисоблари учун қандай маълумотлар мажмуини шакллантиришни аниқлаш энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бунинг учун республикамызда мавжуд бўлган корхоналар фаолиятида қўлланилаётган бухгалтерия ҳисобининг харажатлари ҳисоби тизимини таҳлил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда мавжуд бўлган харажатлар ҳисоби методологик жиҳатдан собиқ иттифоқ даврида ташкил топган ва мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобида амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳатлар натижасида жаҳон тажрибасининг илғор томонларни қисман ўзида мужассам этган ҳисоб тизими деб қараш мумкин. Аммо бунинг ижобий томонлари кам бўлдики, улар фақат бозор талаблари асосида ўзгартирилган молиявий ҳисоботларнинг айримлари, тўғрироғи молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот учун маълумот бериш нуқтаи назаридан ривожлантирилди, холос.

Хориж тажрибасидан маълумки, молиявий ҳисоб молиявий ҳисоботларни тузиш учун зарур маълумотларни бериши керак. Бошқарув ҳисоби эса корхонани бошқариш ва унинг келгусидаги ривожланиши учун зарур маълумотлар тўпламини вужудга келтириши зарур. Албатта, бу

чет эл фирмаларида кенг ривожланган. Чунки бозор иқтисодиётининг ривожланиши рақобатнинг кучайиши бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчиларнинг корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотларга бўлган қизиқишнинг ортиши билан боғлиқдир.

Рақобатнинг кучайиши корхонага янги техника ва технологияни, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг прогрессив усуллари жорий қилишни талаб қилади.

Корхоналарда молиявий ва бошқарув ҳисобида харажатлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун уларнинг асосий мақсадларни қамраб олувчи ҳисоб жараёнлари, маълумот манбалари ва акс эттириладиган асосий кўрсаткичларни аниклаш алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, молиявий ҳисобнинг асосий вазифаси корхона раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек ташқи фойдаланувчиларини маълумот билан таъминлашдир.

Бу тўғрида Б.Нидлз, ҲАндерсон, Д.Колдуэл шундай деб ёзади. «Молиявий ҳисоб қамраб оладиган ҳисоб маълумотларини фирма ичидаги раҳбарлар фойдаланиш билан биргаликда, корхонадан ташқаридагиларга ҳам берилади».

Худди шундай фикрни З.В.Кирьянова ҳам билдиради: «Молиявий ҳисоб қамраб оладиган ҳисоб маълумотларидан корхона ичидаги раҳбарлар, корхона ходимлари фойдаланадилар. Шунингдек корхонадан ташқаридаги бошқа фойдаланувчиларга ҳам берилади».

Умуман молиявий ҳисоб ва унинг вазифаси тўғрисидаги иқтисодий адабиётларда билдирилган фикрларни яқдил деб ҳисоблаш мумкин, аммо бошқарув ҳисоби тўғрисида эса бир-бирига зид фикрлар мавжуддир.

Масалан, бу ҳақда Т.Б. Крилова шундай деб ёзади:

«Капиталистик корхоналарнинг ҳамма ҳисоб тизими бошқарув ҳисоб деб аниқланувчи тизим ва молиявий

ҳисобга бўлинади ҳамда ишлаб чиқариш ҳисоби, бошқача айтганда харажатлар ҳисоби ҳам юритилади».

Уқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, Т.Б. Крылова ишлаб чиқариш ҳисоби, бошқарув ҳисоби ва харажатлар ҳисоби тушунчаларини чалкаштириб юборади.

Худди шундай фикрни З.В.Кирьянова ҳам билдиради: «Молиявий ҳисоб қамраб оладиган ҳисоб маълумотларидан корхона ичидаги раҳбарлар, корхона ходимлари фойдаланадилар. Шунингдек корхонадан ташқаридаги бошқа фойдаланувчиларга ҳам берилади».

Умуман олганда молиявий ҳисоб ва унинг вазифалари тўғрисидаги иқтисодчи-олимларнинг билдирилган фикрларини яқдил деб ҳисоблаш мумкин, аммо бошқарув ҳисоби тўғрисида эса бир-бирига зид фикрлар мавжуддир.

Бу ҳақда Т.Б.Крылова шундай деб ёзади: «Капиталистик корхоналарнинг ҳамма ҳисоб тизими бошқарув ҳисоб деб аниқланувчи тизим ва молиявий ҳисобга бўлинади ҳамда ишлаб чиқариш ҳисоби, бошқача айтганда харажатлар ҳисоби ҳам юритилади».

Уқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, Т.Б. Крылова ишлаб чиқариш ҳисоби, бошқарув ҳисоби ва харажатлар ҳисоби тушунчаларини чалкаштириб юборади.

Мавжуд иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш ҳисоби билан бошқарув ҳисобини чалкаштираётганлиги бу борада яхлит ҳамфикрликни йўқлигини кўрсатмоқда. Бизнингча бу масалага ойдинлик киритиш бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳисобининг корхонани бошқаришда тутган ўрни, корхона иқтисодиётини жорий, яқин келажак ва истиқболдаги ривожланишда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради. Шунингдек уқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳисобининг қўлланилиши объектлари ва услуги асослари ишлаб чиқилади.

В.Я.Стуковнинг таъкидлашича, бошқарув ҳисоби олдинги калькуляция ҳисобидан келиб чиқиб капиталистик ҳисобни ташкил этишни анча юқори даражасидир.

Академик Н.Г.Чумаченконинг ёзишича, ишлаб чиқариш ҳисобидан фарқли ўлароқ, бошқарув ҳисобида асосий эътибор харажатларни бошланғич сметасини тузишга харажатлар миқдорини сметадан четга чиқишларини тезкор равишда аниқлашга, ишлаб чиқариш харажатларини тизимини таҳлил қилиш ва уларнинг таннархига асосланиб бошқарув қарорларининг турли хил вариантларини ишлаб чиқишга қаратилган». С.С.Сатубалдиннинг фикри, проф. Н.Г. Чумаченконинг фикрига мос келади. Унинг ёзишича, бошқарув ҳисоби харажатларнинг гуруҳланиши таннархнинг харажатлар ва маҳсулот турлари бўйича ҳосил қилиниши ҳақидаги ва масъулият марказлари ёки фойда марказлари бўйича юритиладиган ҳисобот ва сметанинг тузилиши, унинг таҳлили, бошқарувчиларга самарали қарорларни танлаш учун маълумотлар тайёрлаш билан шуғулланувчи ҳисобдир. Бошқарув ҳисобининг моҳияти амал қилиш табиати бошқариш мақсадларидан келиб чиқиб, ўзгаради.

К.Н. Примбаевнинг фикрича, бошқарув ҳисоби маълумотларининг маҳсулот таннархини калькуляция қилиш учун умумлаштиришни назарда тутди.

Кейинги йилларда бошқарув ҳисобининг мазмуни ва тушунчаси ҳақида иқтисодчи олимлар ўз фикрларини билдирмоқда. Профессор Я.В. Соколовнинг фикрича, бошқарув ҳисоби биринчи навбатда асосий ишлаб чиқариш счётининг таҳлилий ҳисобини, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, корхона агентлари томонидан харажатларни руйхатга олиш ва иккинчидан хўжалик фаолиятининг имтиёзли истиқболини таҳлил қилишни ўзида намоён этади.

Профессор Я.В.Соколовнинг юқоридаги фикридан шу нарсга келиб чиқадики, бошқарув ҳисоби — бу ҳозирги ва

келажак ҳарактеридаги ишлаб чиқариш харажатларни ҳисобга олиш тизими эканлигини тушуниш мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда бошқарув ҳисоби аниқ вазифаларни бажарди. Э.Капланнинг фикрича, бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларига режалаштириш ва назорат қилиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўлган барча маълумотлар билан бошқарувни барча бўғинларини таъминлаш, алоқа воситалари ёрдамида ахборотлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш киради.

Бошқарув ҳисоби тизимида тайёрланган ахборотлар молиявий ахборотларга асосланади. Шу билан бирга у анча муфассаллашган бўлиб, пул бирлиги ўлчовида кўрсатилиши шарт эмас. Бу ерда Э.Капланнинг «Бошқарувнинг барча даражаларини ахборот билан таъминлаш» деганда ишлаб чиқишни моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотишни назарда тутилганлигидир.

Бошқарув ҳисобининг асл маъноси ва мақсади ахборотларни бошқариш учун тайёрлаш деган машҳур ифоданинг шаклланишини келтириб чиқаради. Бу ҳақда венгер иқтисодчиси М.Борда-Роботский қуйидаги фикрни билдиради: «Капиталистик мамлакатларда қўлланиладиган «management accounting» атамаси бошқаришга хизмат қилишга мўлжалланган ҳисоб ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. «Management accounting» атамаси «Бошқарув ҳисоби» деб таржима қилинсада, фақат ҳисоб ҳақида эмас, балки ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш ва тизимли таҳлил қилишни ҳам назарда тутати. М.Борда-Роботский бошқарув ҳисобининг муҳим қисмини «Стандарт — кост», «Директ — костинг» ва «Тушум — харажатлар — фойда» боғлиқлигини таҳлил этишни ташкил этади» деб ҳисоблайди.

Ж.Грей ва Д.Риккорд бўлса, «Бошқарувчиларга харажатлар тўғрисидаги ахборотларни қарор қабул қилиш базасини яратиш мақсадида маълумотларни тақдим этиш вази-

фасини бухгалтерия ҳисобининг бошқарув ҳисоби деб номланган қисми бажаради» деган фикрни билдирадилар.

Бошқарув ҳисобини чет мамлакатларда самарали жорий этилиши билан бир вақтда унинг роли ҳам ўсиб борди. Америкалик олимлар Ш.Мариати ва С.Аллоннинг таъкидлаб ўтишича, бошқарув ҳисоби хаттоки келажакда бўладиган хўжалик ходисалари бўйича тузиладиган батафсил молиявий режалар учун маъсулиятни ҳам ўз зиммасига олади. Уларнинг таъкидлашича, бошқарув ҳисоби бу ходисаларни самаралилигини аниқлаш, жорий этиш, ҳар хил муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш йўллари топишга ёрдам беради. Америкалик профессор М.Фремгеннинг таъкидлашича, бошқарув ҳисоби учун асосий мезон бу унинг фойдалилигидир. Агар ахборотларни аниқ бир қисми ёки бир ўлчов тамойили фойдали деб топилса, бошқарув ҳисоби мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Амалиётда бошқарув ҳисобининг ривожланиши кўпроқ мантиқ ва тажрибага асосланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқарув ҳисоби ходимлари ўз иши давомида мантиқий фикрлаш ва ўз амалий тажрибасига таяниш керак. Бу ерда бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган қоидаларга риоя қилинганлиги кузатилади. М.Фремгеннинг таъкидлашича, алоҳида бир корхонани самарали бошқариш учун асосий мезон мантиқ ва тажрибадан иборатдир.

Р.Энтони. Дж.Риснинг фикрича, «Бошқарув ҳисоби бу ташкилотнинг бошқарув аппарати унинг фаолиятини режалаштириш, назорат қилиш ва бошқариш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш жараёнидир». Шунингдек бошқарув ҳисобини юритишдан кўзланадиган асосий мақсадни Б.Нидлз. Ҳ.Андерсон, Дж. Колдуэлл қуйидагича талқин қилади. Унинг мақсади аниқ ишлаб чиқариш мақсадларига эришиши учун менежерлар ва бошқа масъул мутахассисларни маълумот билан таъминлашдир». К.Кобус эса «Бошқарув ҳисоби алоҳида компания

учун ишлаб чиқариш ва ҳисоб-китоб ва истиқболни белгилашни ўз ичига олиши мумкин. Бошқарув ҳисобининг маълумотлари бошқарув қарорларини қабул қилиш ва режалаштиришга ёрдам беришга мўлжалланган. Бу маълумотлар молиявий ҳисоб маълумотларидан анча кенг, доимий, аниқ ва келажак учун мўлжалланган бўлиши зарур. Бошқарув ҳисоби, харажатлар ҳисоби, бюджетлар (сметалар), капитал қўйилмаларни баҳолаш ва узоқ муддатли режалаштиришни ўз ичига олади.

Юқоридаги иқтисодчиларнинг илмий асарларидаги бошқарув ҳисоби тўғрисидаги фикр мулоҳазаларини таҳлил қилиш ва уларнинг кўпчилигида бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси, энг аввало, корхонанинг бошқарув аппарати ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг маҳсулотлар бирлигига сарфланиши устидан назорат ўрнатиш ва корхонани жорий, келажак ва истиқболдаги ривожланиши учун зарур маълумотлар мажмуи билан таъминлашдан иборат эканлигини англаб етиш мумкин. Шунингдек ишлаб чиқариш ҳисоби билан бошқарув ҳисоби бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, шунингдек аниқ бир ўхшашликка ҳам эга. Бошқарув ҳисоби билан ишлаб чиқариш ҳисоби ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Дастлабки ахборотдан бир хил усулда ва комплекс тарзда фойдаланиш, меъёр ва нормативларни ягоналиги ҳамда умум меъёрий маълумотномали ахборотнинг ягоналиги, ҳисобнинг бир тур ахборотни бошқа тур ахбороти билан тўлдирилиши, дастлабки ҳисобда барча ўзгарувчан ахборотнинг бир карра қайд этилиши, ҳисоб ахборотнинг қарорлар қабул қилиш жойларига яқинлаши, ишлаб чиқаришни бошқариш ва молиявий ҳисобнинг вазифаларини ишлаб чиқишга бўлган ягона ёндашишига асосланиш воситасида эришилади.

Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш ҳисобига қараганда анча кенгдир. Унинг умумий тамойиллари бошқарувни фойдали маълумотлар билан максимал равишда таъмин-

лашга қаратилган. Ишлаб чиқариш ҳисобининг амал қилиш шароитида ўзбошимчалик ва тартибсизлик кўзга ташланмайди. Чунки ҳисоб фаолияти қонун доирасида амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисобини бир-биридан ажратишда тижорат хусусиятларини эътиборга олиш керак. Ишлаб чиқариш ҳисобининг маълум бир қисми ҳамма учун мажбурийдир. Бошқарув ҳисоби доирасида корхона бошқарув ходимлари хоҳлаган ички ҳисоб тизимини яратиш ҳуқуқига эга ва хоҳлаган баҳолаш усулини қўллаши мумкин ва ҳеч ким уни тақиқлаши мумкин эмас. Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади корхона бошқарувлари мақсади билан мос келиши керак. Профессор Я.В.Соколов бошқарув ҳисобининг мақсадларини қуйидагича ифодалаган:

Бошқарувчиларга ахборотлар билан ёрдам кўрсатиш.

Ҳаражатларни назорат қилиш ва истиқболини белгилаш.

Корхонанинг самарали ривожланиш йулларини танлаш.

Бошқаришнинг тезкор қарорларини қабул қилиш.

Ч.Хонгреннинг фикрича, «Бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш ҳисобининг камчиликларини бартараф этди». Албатта бу фикр ўринлидир, чунки ишлаб чиқариш жараёни босқичлари маблағларининг айланиши босқичларига қарамасдан, ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳар бир тури бўйича бошқарув ходимлари жавобгардир, яъни заҳиранинг ҳар бир турини назорат қилиш учун шахсан кимдир масъул бўлиши керак. Шунинг учун ғарб давлатларида бошқарув ҳисоби масъулият ҳисоби деб ҳам аталади.

Ҳисоб ишида иш юритишнинг юксак маданияти, бошқарув хизматлари ва бўлимларини ҳисоблаш, ускуналари ва техникалари билан жиҳозланганлиги, ҳужжат интизомига қатъий риоя қилиш, бошланғич ҳисобни юритишда ички қоидаларни қатъий бажариш, бўлинма ва корхона раҳбарларининг ҳисоботларини тузишлари ва тақдим этишларига алоҳида эътибор бериш кераклигини эслатиб ўтамыз.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, кўпгина олимлар бошқарув ҳисобини амалиётда бухгалтерия ҳисобининг алоҳида бўлими бўлиб амал қилишни ҳимоя қиладилар. Лекин ҳар бир мутахассис буни ўзича талқин қилади ва бошқарув ҳисоби ҳақида ягона фикр йўқ. Бошқарувни амал қилиши, мақсадлари ва вазифаларни ўрганишга асосланиб, бошқарув ҳисобининг мазмунини таърифлаш борасида ўзимизнинг ифодамизни беришга ҳаракат қилдик.

Бошқарув ҳисоби — ишлаб чиқариш ҳисобининг илғор услубларини ўз ичига олади. Бу уни корхоналар амалиётида муваффақиятли жорий этишни ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий тизимига айланиши имкониятини яратади.

Бошқарув ҳисоби ички хўжалик ҳисоби бўлиб, корхона миқёсида ва унинг таркибий бўлимлари бўйича тактик ва стратегик масалаларни ечиш мақсадида ўтган, ҳозирги ва келажакдаги таъминот тайёрлов, ишлаб чиқариш молиявий сотиш фаолиятларини назорат ва таҳлил қилиш, режалаштириш ва баҳолашни ўрганишга ва хўжалик фаолиятини самарадорлигини ошириш мадсадида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадига йўналтирилган ҳисоб юритиш усулидир.

Юқорида айтилганлар, бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисобининг учта асосий вазифасини белгилайди. Булар: корхонани тезкор бошқариш, фаолият натижаларини тезкор баҳолаш ва назорат қилиш корхона фаолияти натижаларини тарихий асосда таҳлил қилишга асосланиб, келажакда ривожланишни режалаштириш ва йўналишларини аниқлашдир.

Берилган изоҳ ва шарҳлар бир қатор вазифаларни хал қилиш имкониятини беради, жумладан: ишлаб чиқариш ҳисобини юритишнинг услубий асосларини Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантириш ва такомиллашган тизимини яратиш имконини беради.

Режали иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ҳисоби харажатларини ҳисобга олиш билан шуғулланиб, бу харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги етарли баҳоланмаган. Е.А.Мизиковский бу ҳақда шундай ёзади: «Иқтисодий қайта қуришнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида умумбухгалтерия (молия) ҳисобининг таркибий қисми бўлиб, у корхона ишлаб чиқариш харажатларини умумлаштириш ва юқори ташкилотларга ҳисобот бериш билан чекланиб қолган». С.А. Стуковнинг фикрича, ишлаб чиқариш ҳисоби «Хўжалик ҳисобининг барча турдаги унсурларини, шунингдек иқтисодий таҳлилини синтез қилиб, ишлаб чиқариш ресурсларини мақсадга мувофиқ ҳолда, самарали сарфланишини назорат қилиш имконини яратиш керак». Статистик лугатда эса «ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бу корхона ва ташкилотларнинг маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни пул шаклидаги умумий кўринишидаги ҳисобидир» деган тушунча келтирилади. Табиийки, ушбу таъриф юқорида ишлаб чиқариш ҳисобига берилган таърифдан мазмун жиҳатдан кам фарқ қилади.

Ҳаражатлар ҳисоби (ишлаб чиқариш ҳисоби)нинг умумий тушунчаси З.Федак томонидан кенгроқ ва тўлиқроқ тарзда қуйидагича изоҳланган: «Ҳаражатлар ҳисоби корхонада маълум бир вақт мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва миқдорий кўрсаткичлари асосида уни сотиш (миқдорий ва климат кўрсаткичларида), руйхатга олиш, гуруҳлаштириш, интерпретация қилиш (тайёр маҳсулот таннархини шакллантирувчи алоҳида бўлимлар ишини таҳлил қилиш) сингари жараёнларни умумий акс этган кўринишидир. Бундай ҳисоб корхонани бошқариш ва молиявий натижаларига қараб унинг фаолиятини баҳолаш учун тулиқ маълумотларни беради».

Ишлаб чиқариш ҳисобининг юқоридаги тушунчаси анъанавий характерга эга бўлиб, бухгалтерия ҳисобини умумий тизимининг таркибий қисми сифатида қабул килинган.

Ҳозирги шароитда эса ҳисобга бундай ёндашиш ўта тор ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти талабларига мос келмайди.

Шу ўринда Фарб мамлакатларида ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда ҳисоб-иқтисод адабиётларда қатор таржима килинган нашрлар пайдо бўлди, шунингдек бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш бўйича кўплаб ишлар чоп этилди. Бундай тадқиқотлар ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш ва ривожлантиришда янги хусусиятларни шакллантирмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ҳисоби олдида корхона бошқарувини ўтган, жорий ва келажак характериға эға тезкор таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш вазифаси туради. Корхона раҳбари ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилишға мажбур. Чунки у амалға оширмоқчи бўлган тижорат билан боғлиқ тадбирға кетадиган харажат ва ундан кутилаётган молиявий натижаларни солиштирмай туриб, муҳим қарор қабул қилмаслиги керак. Ишлаб чиқариш харажатларига фақат уларнинг миқдорини қисқартириш нуқтаи назардан эмас, балки қўйилган мақсадни маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самаралигини пасайтирмасдан амалға ошириш керак.

Профессор А.Яругова ҳисоб ишларини ташкил этиш ҳақида шундай ёзади: «Харажатлар ҳисоби бошқарувнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўтган, бугунги ва келажакда бўладиган ҳўжалик фаолияти ва натижалари ҳисобини юритиш моделиға асосан олиб бориладиган тадқиқот ва трансфбрмациялардир». Муаллиф бу изохда ўзига хос харажатлар ҳисобини услубни (моделини) яратиш зарурлиги ва унинг натижасини корхона маъмурияти томонидан у ёки бу ҳўжалик фаолияти турларини танлаш туфайли натижаларни, истикболини тахмин қилиш мумкинлигини илгари суради. Бу ўз ўринда маҳсулот сотувчи учун энг оқил ва самарали бошқарув қарорларини танлаб олиш имкониятларини кафолатлайди.

Юқорида билдирилган жами фикрлар ишлаб чиқариш ҳисобини юритишда туб ўзгаришлар зарурлигини тасдиқлайди. Бундай муҳим ва мураккаб вазифани ҳал қилиш учун хориж тажрибасини ўрганиш албатта фойдадан ҳоли эмас. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кейинги вақтда республикамизда бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш бўйича кўпгина ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир корхона ўз ички ҳисоб тизимини ташкил қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига кўра, корхоналар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси»да тўлиқ намоён этилган. Ушбу қабул қилинган ҳужжатларда шундай дейилган:

«Корхона (муассаса, ташкилот) бухгалтерия ҳисобини ташкил этаётиб:

— бухгалтерия иши ташкилий шаклини ташкилот туридан ва хўжалик юритишнинг аниқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайди;

— бухгалтерия ҳисоби шакли ва усуллари, шунингдек ҳисоб маълумотларга ишлов технологиясини белгиланган тартибда аниқлайди;

— ички ишлаб чиқариш ҳисоби, ҳисобот ва назорат тизимини ишлаб чиқади;

— бошқа масалалар бўйича ўз ҳисоб сиёсатини белгиланган тартибда шакллантиради».

Шунингдек республикамизда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар режасида ҳам корхона умумий бухгалтериясида ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш имкониятлари очиқ берилган. Счётлар режасини қўллаш бўйича йўриқноманинг III бўлимида «харажатлар ҳисобини ташкил қилишда корхонада ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ташкилий технологик омилларни ҳисобга олган, ташкил қилиш имкониятлари берилган.

Ишлаб чиқариш ҳисоби ўзининг характери ва моҳиятига кўра корхона манфаатларига хизмат қилади. Корхона-

ни самарали бошқаришнинг энг фойдали услубларини ўзида акс эттиради.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ўтган 20 йил мобайнида содир бўлган ўзгаришлар кўлами ва истиқболдаги ривожланиш давлат дастурида ҳам иқтисодиётни эволюцион йўл билан ривожлантиришни, яъни иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу дастурдан келиб чиққан ҳолда корхоналарда ишлаб чиқарини ташкил қилиш ва бошқаришни ҳам узлуксиз ривожлантириб такомиллаштириб бориши лозим. Табиийки, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш бухгалтерияси, энг аввало, унинг таркибий қисми ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳисобининг услубий асосларини ва ташкил қилиш ишларини ҳам уларга мос равишда ривожлантиришни талаб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида бошқарув ҳисобини корхоналарда молиявий ҳисобдан алоҳида ташкил қилиш учун, биринчидан, зарурият етилгани йўқ, иккинчидан эса унинг услубий ва ташкилий асослари тармоқлар миқёсида ҳал қилингани йўқ. Шунинг эътиборга олиш зарурки, иқтисодий ислохотларни ҳозирги босқичида раҳбар ва мутахассислар корхонани самарали бошқариш учун зарур бўлган маълумотлар мажмуасини вужудга келтириш энг аввало мавжуд ишлаб чиқариш ҳисобини такомиллаштириш эвазига амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек бизнинг мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар революцион йўл билан эмас, балки эволюцион йўл билан амалга оширилмоқда. Албатта бу бевосита бухгалтерия ҳисобини ислох қилишга ҳам тааллуқлидир.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг корхоналарида ҳозирги кунда амал қилаётган ҳисоб тизими албатта ҳам услубий, ҳам ташкилий жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Уни ривожлантириш масалалари эса ушбу монографиянинг асосий мақсадидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш ҳисоби иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичда

корхонани бошқариш учун зарур маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади ва уни узлуксиз такомиллаштириш натижасида эса у сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилади ва ҳозирги кунда ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кенг қўлланилаётган бошқарув ҳисоби даражасига кўтарилади.

2.2. Молиявий ҳисобда харажатларни ҳисобга олишни такомиллаштириш

Мамлакатимиздаги бухгалтерия ҳисоби тизими бир вақтда ҳам молиявий ҳисоб, ҳам ишлаб чиқариш ҳисоби функциясини бажармоқда. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бухгалтерия ҳисобининг амалиётида молиявий ҳисоб кенг ва ишлаб чиқариш ҳисоби эса тор даражада олиб борилмоқда.

Албатта ҳамма жабҳада бўлгани каби бухгалтерия ҳисобида ҳам босқичма-босқич, узлуксиз равишда ислохатлар амалга оширилмоқда.

Президент И. Каримов таъкидлаганидек: «Ислохотларнинг айнан босқичма-босқич амалга оширилиши, демократик ва бозор ислохотларини кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза этиш билан олиб борилиши ижобий натижалар бермоқда».

Келгусида, бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобни ислоҳ қилиш жараёни молиявий ҳисоботларни тузишни ривожлантириш орқали амалга ошиши керак. Мустақиллик йилларида амалга оширилган ҳисоб соҳасидаги ислохотлар энг аввало молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга яқинлаштирди. Шунингдек 2003 йил 1 январдан амалиётга қўлланилиши белгиланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг 21-«Хўжалик субъектлари молия — хўжалик фаолиятининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома ҳам бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Шу билан биргаликда иқтисодиётимиз ривожининг

ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги счётлар режасининг ишлаш механизми қисман сақланиб қолган.

Юқорида таъкидланганидек, ҳисобдаги ислоҳотларда асосий эътибор молиявий ҳисоботларни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ҳисоботнинг 1-шакли «Бухгалтерия баланси», 2-шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»га қаратилган, 2003 йил 1 январдан амалиётга жорий қилиш белгиланган счётлар режаси 9 бўлимдан иборат бўлиб, шундан 1—8 бўлимлар бухгалтерия балансини, 9—бўлим эса «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»ни тузиш учун маълумот беришга мўлжалланган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг «Бухгалтерия баланси» ва «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»лари молиявий ҳолатини тавсифловчи асосий маълумотлар манбаси бўлиб, корхона ички ва ташқи фойланувчиларга мўлжалланган. Молиявий ҳисоботнинг маълум бандлари харажатлар ҳисоби билан бевосита боғлиқ. Бундай маълумотларни шакллантириш молиявий ҳисобнинг вазифасига кирди. Шундай ҳисобот турларидан бири Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунига асосан тақдим этиладиган «Корхона харажатлари тўғрисида ҳисоботи» ҳисобланади. Ушбу ҳисобот бир йилда тўрт мартаба тузилади ва тақдим этилади. Корхона, бирлашма ва ташкилотлар йиллик ҳисоботни 15 февралгача ва чораклик ҳисоботни, ҳисобот давридан кейинги 25 кунгача статистика органига тақдим этадилар.

Корхона сарф-харажатлари тўғрисидаги ҳисоботида барча харажатлар асосий фаолият ва асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича ҳисобот ва ўтган йилнинг тегишли даври бўйича кўрсатилиши зарур.

Ушбу ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат, жами харажатлар:

I. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари:

Ишлаб чиқариш тарзидаги моддий харажатлар;

Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари;

Ишлаб чиқариш тарзидаги ижтимоий суғурта ажратмалари;

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш тарзидаги номоддий активлар амортизацияси;

Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари.

II. Давр харажатлари:

Сотиш харажатлари;

Маъмурий харажатлар;

Бошқа муомала сарф харажатлари.

Мазкур ҳисоботда харажатлар тўрт гуруҳга бўлиниб ифода этилади (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик
компаниясини 2010—2011 йилларда асосий фаолияти бўйича
харажатларнинг таҳлили**

№	Харажатларнинг гуруҳланиши	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	Фарқи	фоизда
	Жами харажатлар, шу жумладан	710510152	828587571	100	100	118077419	116,60%
1.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннари	546488753	630360866	76,91	76,07	83872113	115,30%
2.	Давр харажатлари	159956450	193500953	22,51	23,35	33544503	120,90%
3.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	4064949	4725752	0,57	0,57	660803	116,25%
4.	Фавқулодда харажатлар	—	—	—	—	—	—

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами харажатлар 2011 йилда ўтган 2010 йилга нисбатан 118077419 минг сўмга ёки 116,6 % ўсган. Шу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи эса 83872113 минг сўмга ёки 115,3% ўсган. Молиявий фаолият бўйича харажатлар 660803 минг сўм 116,25% ўсган. Албатта бу ижобий ҳолат, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулот 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 130,1% ўсган.

Юқоридаги маълумотлар фақат умумий характерга эга. Шунинг учун ҳам ушбу жадвал маълумотларини кенгроқ таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир (2-жадвал).

1. Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик компанияси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик компаниясининг 2010 ва 2011 йилларда ишлаб чиқарган маҳсулотининг (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннаrxини элементлари бўйича таҳлили

№	Харажатларнинг элементлари бўйича гуруҳланиши	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	Фарқи	фоизда
1.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннаrxи	543576680	616347013	100	100	72770333	113,39%
2.	Шу жумладан: ишлаб чиқариш шаклидаги моддий харажатлар	427988724	489098550	78,7	79,4	61109826	114,28%
3.	Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари	57721497	60383188	10,6	9,8	2661691	104,61%

№	Харажат-ларнинг элементлари бўйича гуруҳлаштириш	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	Фарқи	фоизда
1.	Ишлаб чиқаришнинг маҳсулотининг ишлаб чиқариш тарзи	543576680	616347013	100	100	72770333	113,39%
2.	Шу жумладан: ишлаб чиқариш шаклидаги моддий харажатлар	427988724	489098550	78,7	79,4	61109826	114,28%
3.	Ишлаб чиқариш ҳақи тўлаш харажатлари	57721497	60383188	10,6	9,8	2661691	104,61%
4.	Ишлаб чиқариш тарзидаги ижтимоий суғурталар ажратмалари	14246414	15003240	2,6	2,4	756826	105,31%
5.	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	35934341	40286154	6,61	6,54	4351813	112,11%
6.	Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари	7685704	11575881	1,41	1,88	3890177	150,62%

Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик компаниясининг 2010 ва 2011 йиллардаги ишлаб чиқарилган маҳсулот харажатларининг элементлари 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 72770333 минг сўмга ёки 113,39 % ўсган.

2. Ўзбекистон қурилиш материаллари акциядорлик компанияси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тuzилган.

Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи харажатлари 2661691 минг сўм ёки 104,61 % ўсган. Ишлаб чиқариш ижтимоий суғурта ажратмалари 756826 минг сўм ёки 105,31 % ўсган.

Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси 4351813 минг сўмга ёки 112,11 % ўсган, ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари 3890177 минг сўмга ёки 150,62 % ўсган.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш «Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари» нинг ўтган йилга нисбатан ўсиши маҳсулот ишлаб чиқаришга белгиланган иш ҳақининг белгиланган меъёрдан ортиқча сарфланганлиги, яъни технологик жараёндаги баъзи режалаштирилмаган ишларнинг амалга оширилиши билан характерланади. Табиийки ишлаб чиқариш тарзидаги

иш ҳақи тўлаш маълумотларининг ўсиши унга нисбатан қилинадиган «Ишлаб чиқариш ижтимоий сугурта ажратмалари»нинг ортишига ҳам сабаб бўлган.

Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациянинг ўтган 2010 йилга нисбатан 4351813 минг сўмга ёки 112,11 % ўсган. 2011 йилда жами 60 081343 минг сўмлик асосий воситалар келиб тушган бўлса ва ушбу асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси 9012201 минг сўмлик.

Янги келиб тушган ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситаларнинг 2011 йилдан амортизация суммаси 5407321 минг сўмни ёки жами амортизация суммасининг 17,82 % ташкил қилди.

Демак, янги келиб тушган асосий воситаларнинг қувватидан етарли даражада фойдаланилмаган.

Ишлаб чиқариш тарзидаги моддий харажатларнинг таркибини таҳлил қилиш ишлаб чиқариш таннархига киритилган моддий харажатлар салмоғини аниқлаш ва корхонага ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун қанча суммада сарф харажатлар зарурлигини кўрсатади (3-жадвал).

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик
компанияси бўйича 2010—2011 йилларда ишлаб чиқариш
тарзидаги моддий харажатларнинг таркиби (минг сўм)**

№	Ишлаб чиқариш тарзидаги моддий харажатлар таркиби	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	минг сўм	фоизда
1.	Хом ашё ва материаллар (харид қилинган)	266576951	310095054	62,3	63,4	43518103	116,32

№	Ишлаб чиқариш тарзидаги моддий ҳаражатлар таркиби	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	минг сум	фоизда
1.	Хом ашё ва материаллар (ҳарид қилинган)	266576951	310095054	62,3	63,4	43518103	116,32
2.	Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар	26018579	23319191	6,1	4,8	—2699388	89,63
3.	Табиий хом ашё шу жумладан:	580682	1494521	0,1	0,3	913839	257,37
3.1	Корхоналарининг сув хўжалиги тизимидан оладиган сувга тўлаш ҳақи	443704	450982	0,1	0,1	7278	101,64
3.2	Ерларни рекультивация қилиш учун ажратмалар	0	0	0,0	0,0	0	0,00
4	Четдан оладиган барча турдаги ёқилғи	73269836	86276774	17,1	17,6	13006938	117,75
5.	Ҳарид қилинадиган барча турдаги энергия	55326335	63234624	12,8	12,8	7908289	114,29
6.	Бошқа ишлаб чиқариш тарзидаги моддий ҳаражатлар	6216341	4678421	1,5	1,0	—1537920	75,26
7	Жами ишлаб чиқариш тарзидаги моддий ҳаражатлар	427988724	489098585	100,0	100,0	61109861	114,28

3. Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик компанияси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон қурилиш материаллари акционерлик компаниясининг 2011 йилдан ишлаб чиқариш тарзидаги моддий ҳаражатлари 2010 йилга нисбатан 61109861 минг сўмга ёки 114,28% ўсган.

Бунинг асосий сабаби хом ашё ва материаллар (харид қилинадиган) 43518103 минг сўм ёки 116,3% ўсганидир.

Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар — 2699388 минг сўмга ёки 89,63% пасайган.

Шу билан биргаликда, табиий хом ашёлар бўйича харажатлар 913839 минг сўм ёки 2,5 мартага ўсган.

Четдан олинadиган ёқилғи (барча турдаги) 13006938 минг сўмга ёки 117,75 % ўсган. Харид қилинган барча турдаги энергия 7908289 минг сўмга ёки 114,29 % ўсган.

Бошқа ишлаб чиқариш шаклидаги моддий харажатлари —1537920 минг сўмга ёки 75,26 % пасайган.

Давр харажатлари жами харажатлар таркибида салмоқли ўринга эга.

Ўзбекистан қурилиш материаллари акциядорлик компаниясида давр харажатлари 2010 йилда 23,7 % ташкил қилган бўлса (жами харажатлардан) 2011 йилда 21,9 % ташкил қилди.

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик
компаниясининг 2010—2011 йилларда
давр харажатларини таркиби**

№	Давлат харажатларини таркиби	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	минг сўм	фоизда
1.	Сотиш харажатлари	30585511	37360820	18,83	19,31	6775309	122,2
2.	Маъмурий харажатлар	26527417	27930985	16,33	14,43	1403568	105,3
3.	Бошқа муомала сарф харажатлари	105283636	128204738	64,81	66,26	22921102	121,8
4.	Бошқа давр харажатлари	41759	4410	0,03	0,002	—37349	10,6
	Жами давр харажатлари	162438323	193500953	100	100	31062630	119,1

Давр харажатлар таркибини таҳлил қилиш 2010 йилда унинг 16,33% маъмурий харажатлар, 18,83% сотиш харажатлари, 64,81% бошқа муомала сарф харажатлари, бошқа давр харажатлари 0,03% қилган бўлса 2011 йилда мос равишда 14,43%, 19,31 %, 66,26 %, 0,02 % ташкил қилган (4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давр харажатлари таркибида асосий ўринни бошқа муомала харажатлари ва сотиш харажатлари эгаллайди.

«Корхона сарф харажатлари тўғрисида ҳисоботи» маълумотларини корхонанинг иқтисодий фаолиятига баҳо беришда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Албатта бу ерда асосий муаммо ушбу ҳисоботни тузиш учун зарур бўлган маълумотларнинг бухгалтерия ҳисобида шакллантирилишидир.

4. Ўзбекистон қурилиш материаллари акциядорлик компанияси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилган.

Хизмат сафари харажатлари 2010 йил 1,072 % ва 2011 йил 1,35 % маъмурий асосий воситалар амортизацияси 7,19 % ва 2011 йил 6,38 % сезиларли салмоққа эга эмас. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари акциядорлик
компанияси бўйича 2010—2011 йиллардаги маъмурий
харажатларнинг таркиби**

№	Маъмурий харажатлар	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	минг сўм	фоизда
1.	Бошқарув ходимларининг иш ҳақи тўлови бўйича харажатлари	11826240	11966885	44,58	42,844	140645	101,19

№	Маъмурий ҳаражатлар	Суммаси		Салмоғи, %		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўсиш+ камайиш —	
		2010 й.	2011 й.	2010 й.	2011 й.	минг сум	фоизда
1.	Бошқарув ходимларининг иш ҳақи тулови бўйича ҳаражатлари	11826240	11966885	44,58	42,844	140645	101,19
2.	Хизмат сафари ҳаражатлари	284501	377563	1,072	1,3518	93062	132,71
3.	Ижтимоий суғурта ажратмалари	3047023	3167064	11,49	11,339	120041	103,94
4.	Маъмурий асосий воситалар амортизацияси	1908513	1784364	7,194	6,3885	—124149	93,495
5.	Ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор бўлган мол-мулк ва ходимларини мажбурий суғурта қилиш ҳаражатлари	84176	74911	0,317	0,2682	—9265	88,993
6.	Бошқа маъмурий сарф ҳаражатлар	9376964	10560198	35,35	37,808	1183234	112,62
	Жами маъмурий ҳаражатлар	26527417	27930985	100	100	1403568	105,29

Бошқарув ходимларига иш ҳақи тўлаш ҳаражатлари 2010 йилда 44,58 % ни ва 2011йилда 42,84 % ни ташкил қилган. Ижтимоий суғуртага ажратмалар 2010йилда 11,49 % га ва 2011 йилда 11,33% ни ташкил қилган. Бошқа маъмурий сарф-ҳаражатларнинг салмоғи 2010 йилда 35,35% ва 2011 йилда 37,80 % ини ташкил қилган.

Корхонанинг сарф-ҳаражатлари тўғрисидаги ҳисоботда ҳаражатлар элементлари бўйича гуруҳланган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобида эса улар калькуляция моддалари бўйича гуруҳланади. Корхонанинг сарф-ҳаражатлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш учун ишлаб чиқилган йўриқномада ҳам «Ҳаражатлар таркиби тўғрисида»ги Низомда келтирилган ҳаражатлар гуруҳларига асосланиши керак.

Хўжалик юритувчи барча субъектлар Ўзбекистан Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлиги томонидан тасдиқданган «Меҳнат бўйича 1-м шакл (ойлик) ҳисоботи»ни тузишлари шарт. Ушбу ҳисобот шакли ҳам Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлиги томонидан тасдиқданган «Ёлланиб ишловчиларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси ҳақидаги» йўриқноманинг 34—16

сонли қарорининг 2 ва 3-бўлимларига асосан тўлдирилади.

Аммо корхоналарда меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобининг ҳозирги аҳволини таҳлил ва тадқиқ қилиш амалдаги бухгалтерия ҳисоби юқорида келтирилган. «Меҳнат бўйича 1-м шакл (ойлик) ҳисоботи»ни тузиш учун зарур маълумотларни тўла бера олмаслигини кўрсатди:

Юқоридагилардан қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳисоб функциясини ҳам бажаришига қарамасдан ташқи фойлананувчилар учун зарур бўлган кўрсаткичларини тўлиқ шакллантира олмайди.

Бухгалтерия ҳисобининг 2003 йил 1 январдан қўлланилиши кўзда тутилган счётлар режаси шундай тузилганки, улар ёрдамида фақат корхона балансини (1-шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни (2-шакл) тузиш учун маълумотларни бериши мумкин.

Кўпчилик ҳисоботларнинг кўрсаткичлари «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомида келтирилган харажатларнинг гуруҳланиши ва таркиби асос қилиб олинганлигини кўрсатди. Аммо ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобини юритишда эса ушбу низомдан фойдаланиш имкониятлари кам. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда муаммоларга дуч келмоқда.

Харажатларни ҳисобга олишнинг амалдаги услуби кўпроқ харажатларни калькуляция моддалари бўйича ҳисобга олишга мослаштирилган бўлиб, бу собиқ иттифоқ давридаги ҳисоб тизимининг таъсири ҳисобланади.

Харажатларнинг элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқаришга нималар сарфланиши ва шу асосда корхонанинг келгусидаги ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун қанча миқдорда сарфлар қилиниши режалаш-

тирилади. Аммо ушбу ҳисоб-китобларни аниқ амалга ошириш бухгалтерия ҳисобида маълум даражада ўзгаришларни талаб қилади, чунки юқорида кайд этилган ҳисобот шаклини тўлдириш учун зарур бўлган маълумотлар бевосита бухгалтерия ҳисоби счётларидан олинмайди, балки уларни бухгалтерия ҳисоби регистрларидан олинади. Табиийки бу бухгалтерия ходимлари учун қўшимча иш ҳажмини вужудга келтириши билан бирга ҳисоб-китобдаги аниқликни йўқотади.

Масалан, ишлаб чиқариш шаклидаги моддий харажатлар таркибидаги сарфланган материаллар тўғрисидаги маълумотни 10-материаллар счётининг кредитида ишлаб чиқаришга сарфланган материаллардан ташқари камомад суммалари, бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ўтказилган моддий қийматликлар, кераксиз бўлган материалларни реализация қилиш ҳам акс эттирилади. Шунингдек, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси позициясини тўлдириш учун маълумотлар 02-«Асосий воситаларнинг эскириши» ва 05 «Номоддий активларнинг эскириши» счётларининг кредитидаги суммалар етарли эмас. Сабаби 02-«Асосий воситаларнинг эскириши» счётининг кредитида ижарага берилган асосий воситаларга амортизация қиймати ҳам акс эттирилади.

Бизнинг фикримизча, ахборот фойдаланувчилар учун тақдим қилинадиган харажатлар бўйича ҳисоботларда келтирилиши зарур бўлган кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни шакллантириш тартибини қатъий белгилаш зарур.

Ҳисоботлардаги харажатлар билан боғлиқ асосий иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш учун «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот», «Корхоналар молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботи», «Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоботи (1-м шакл) ва бошқа ҳисобот шаклларидаги иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш зарур». Шундан сўнггина ушбу кўрсаткичларни бух-

галтерия ҳисобида шакллантириш учун тегишли ўзгаришлар амалга оширилиши керак.

Юқоридаги жадвалларда молиявий ҳисоботлардаги харажатлар билан боғлиқ асосий кўрсаткичлар келтирилган. Ушбу кўрсаткичларни бухгалтерия ҳисоби счётларида шакллантириш учун бизнингча счётлар режасига кўшимча счёт киритиш зарур ва уни «Корхона харажатлари» деб номлаш зарур. «Корхона харажатлари» счётини счётлар режасида бўш турган 2400 шифрини бериш мақсадга мувофиқдир, яъни 2400 — «Корхона харажатлари» счёти транзит счёт бўлиб, ҳар ойда ёпилади ва қолдиққа эга бўлмайди. Барча харажатлар қопланиш манбаларига олиб борилади ва бунда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар, умумишлаб чиқариш ва давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар, махсус мақсадлар учун тайинланган фондлар счёти ва бошқа тегишли счётлар дебетланади ва 2400 — «Корхона харажатлари» счёти кредитланади.

Бизнингча, 2400 — «Корхона харажатлари» счётида қуйидаги иккинчи тартибли счётларни очиш мақсадга мувофиқ.

2410 — «Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари».

2420 — «Ишлаб чиқарилган меҳнат ҳақи харажатлари».

2430 — «Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий суғурта харажатлари».

2440 — «Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши».

2450 — «Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари».

Моддий харажатлар счётида харажатларни уларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича ҳисобга олинади:

Хомашё ва материаллар (харид қилинадиган);

Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар ва хизматлар;

Табиий хом ашё;

Корхоналарнинг сув ҳўжалиги тизимидан оладиган сувга тўланадиган ҳақ (меъёр даражасида ва ундан ортиқ);
Ерларни рекультивация қилиш учун ажратмалар;
Четдан олинадиган барча турдаги ёқилғи;
Харид қилинадиган барча турдаги энергия;
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлар
2430 — «Ишлаб чиқаришнинг суғурта харажатлари,
2440 — «Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши» ва 2450 — «Ишлаб чиқаришнинг бошқа турдаги харажатлари» счётлари ҳам худди юқоридаги счётлар каби транзит счётлар бўлиб, уларда ой охирида қолдиқ қолмайди.

Бухгалтерия ҳисобида корхона харажатлари ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларнинг бир ҳисобга олиш имкониятининг вужудга келтирилиши корхона бўйича ушбу харажатларнинг умумий суммасини, унинг таркиби ва тармоқлар (асосий, ёрдамчи ва бошқалар) бўйича маълумотлар олиш имкониятини яратади. Энг асосийси корхонанинг молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш учун зарур маълумотларнинг бухгалтерия ҳисобларида шаклланишини таъминланади. Бу ўз навбатида корхона харажатлари устидан жорий назоратни амалга ошириш билан биргаликда, молиявий ва статистик ҳисоботларнинг ишончлилигининг ортишига олиб келади.

2.3. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш

Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш омилларидан бири харажатларнинг суммаси, унинг таркиби ва қайси мақсадлар учун сарфланиши тўғрисида корхонанинг бошқарув аппарати батафсил маълумотларга эга бўлиши зарур.

Маълумки, бундай маълумотлар билан таъминлаш бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Харажатлар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш учун жаҳон тажрибасида ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича ҳисобга олиш асосий тамойиллардан ҳисобланади, чунки ҳар бир босқичда (таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш) харажатларнинг алоҳида ҳисобга олиниши қуйидаги иккита асосий бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган сабабнинг таъсири ҳисобланади.

Харажатлар ҳисобининг ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича ташкил қилиниши, энг аввало бозор иқтисодиёти шароитида ички хўжалик ҳисобининг ташкил қилиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир бўлинма ўз фаолиятининг натижаси учун жавобгар ҳисобланади ва улар асосан юқоридаги учта жараённинг биттасида фаолият кўрсатади.

Харажатлар ҳисобининг ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича ташкил қилинганда уларнинг ҳар бири бўйича сарфланган харажатлар тўғрисида аниқ ва батафсил маълумотлар олишнинг вужудга келиши учун шароит яратилишидир.

Собиқ шўролар давридаги харажатлар ҳисоби тизимида корхоналар харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш, таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари бўйича ташкил қилинмаган. Баҳоларнинг давлат томонидан белгиланиши, таъминот ва сотиш жараёнининг давлат томонидан амалга оширилиши, ишлаб чиқариш захиралари ва меҳнат воситалари сарфи устидан фақат миқдорий назорат ўрнатишга олиб келган эди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида рақобатга бардош бера олмай қолди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар амалиётида қўлланилаётган харажатларни ҳисобга олиш тизими харажатларни таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари бўйича ҳисобга олишни ташкил қилишни кўзда тутмаган. 21-Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича 2003 йил 1 январдан корхоналар амалиётига қабул қилинган. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг

молиявий ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби сётларининг режаси»да ҳам харажатлар ҳисобини ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича ташкил қилиш кўзда тутилмаган.

Шунинг учун ҳам харажатлар ҳисобининг амалдаги тизими таъминот — тайёрлов жараёни харажатлари бўйича умумий маълумотлар олиш имконини бермайди. Сабаби ушбу жараён харажатлари бухгалтерия ҳисоби сётлар режасидаги 1010 — «Хом ашё материаллар», 1610 — «Материалларнинг қийматидаги фарқлар», 2510 — «Умумишлаб чиқариш сарфлари» ва бошқа ҳисобларда олинади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатларни таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари бўйича юритишда энг асосий муаммолардан бири харажатларни чегаралашдир. Чунки харажатларни ушбу жараёнлар бўйича чегараламасдан туриб харажатларни аниқ ва тўғри ҳисоблаш имконияти вужудга келмайди.

Бизнингча, харажатларни чегаралаш учун энг аввало қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

Корхоналарнинг ташкилий бошқарув хусусиятлари;

Ишлаб чиқариш жараёнининг (таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш) ўзига хос технологик хусусиятлари;

Харажатларнинг вужудга келиш жойлари;

Харажат марказлари;

Харажатларнинг масъулият марказлари.

Юқоридаги омиллар ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича харажатларни аниқ чегаралаш имкониятини беради.

Шу нуқтаи назардан биз қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатларни ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича чегаралаш мақсадида айрим ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ташкилий-бошқарув тузилмаларини таҳлил қилдик. Ушбу корхона-

ларнинг барчасида таъминот (қум, тупроқ, оҳак ва бошқаларни тайёрлаш) билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш бўлинмалари мавжудлигини кўрсатди,

Харажат марказлари, бу юқорида таъкидланганидек харажатлар йиғиладиган жой. Албатта харажат марказларига жамланадиган харажатлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки улар асосида маҳсулотлар таннари аниқланади.

Харажатлар учун маъсулият марказлари харажатлар ҳисобини таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичлари бўйича юритишда ушбу харажатлар учун масъул шахсларни аниқлаш имконини беради ва у муҳим аҳамиятга эга. Чунки шундай иш турлари борки, улар учун масъул шахсларни аниқламасдан туриб ушбу харажатларнинг қайси босқичга тегишли эканлигини билиб бўлмайди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида бажариладиган технологик жараёнлар ўзига хос хусусиятларига эга.

Қуйида ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларида бажариладиган асосий технологик ишлар келтирилган (6-жадвал).

6-жадвал

**Ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарда таъминот, ишлаб
чиқариш ва сотиш босқичларида бажариладиган
технологик жараёнлар**

№	Технологик жараёнларда бажарилган ишлар	таъминот	ишлаб чиқариш	сотиш
1.	Қум ва тупроқ карьерларини сақлаш	+		
2.	Карьерда қум ва тупроқларни қовлаш ишлари	+		
3.	қум ва тупроқни транспортга юклаш	+		
4.	Қум ва тупроқни заводнинг омборига ташиш	+		

№	Технологик жараёнларда иган ишлар	таъминот	ишлаб чиқариш	сотиш
1.	Қум ва тупроқ карерларини сақлаш	+		
2.	Карерда қум ва тупроқларни ковлаш ишлари	+		
3.	қум ва тупроқни транспортга юклаш	+		
4.	Қум ва тупроқни заводнинг омборига ташиш	+		
5.	Қум ва тупроқни омборга қабул қилиш	+		
6.	Қум ва тупроқ омборида йиғиш, текислаш ва бошқа ишларни амалга ошириш	+		
7.	Қум ва тупроқ омборини сақлаш ҳаражатлари	+		
8.	Қум ва тупроқни омбордаги лента билан ишлаб чиқаришга узатиш		+	
9.	Қум ва тупроқни бошқа аралаш- малар билан аралаштириш ва гишт тайёрлаш учун аралашма ҳосил қилиш		+	
10.	Тайёрланган аралашмани қолипларга қуйиш		+	
11.	Қолипларни печка ва пар камераларига жойлаштириш		+	
12.	Гиштларни печка ва пар камералардан олиш ва лабораторияда текшириш		+	
13.	Гиштларни тайёр маҳсулотларни омборига транспортировка қилиш		+	
14.	Тайёр маҳсулотларни омборга қабул қилиш			+
15.	Маҳсулотларни омборда сақлаш			+
16.	Тайёр маҳсулот омборини сақлаш			+
17.	Тайёр маҳсулотларни харидор ва буюртмаларга жўнатиш			+

Барча иш турлари асосида улар билан боғлиқ харажатларни ажратиш мумкин. Демак, бажариладиган иш турлари ва харажатлар қайси босқичда вужудга келса, уларни ўша босқичда ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, қум ва тупроқ омборидан лента орқали жўнатилаётган қум ва тупроқ учун ким жавобгар, омбор мудирими ёки ишлаб чиқариш цехи вакиллари (цех бошлиғи, бригадир, уста) ва ушбу харажатларни қайси босқичга олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам масъулият марказлари харажатлар ҳисобини ишлаб чиқариш жараёни босқичлари бўйича ташкил қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бизнингча, қум ва тупроқни лента орқали жўнатиш харажатларини ишлаб чиқариш босқичига тегишли деб ҳисоблаймиз ва бунда қуйидагиларга асосланамиз:

1. Узатиш ленталари учун моддий жавобгар шахслар ишлаб чиқариш босқичидаги цех бошлиғи, бригадир ва мастерлар ҳисобланади (бу ҳар заводда ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиш хусусияти ва ҳажмига асосланиб моддий жавобгар шахслар белгиланади).

2. Омбор мудирини қум ва тупроқни лентага узатгандан сўнгги жараён учун жавобгар ҳисобланмайди.

Харажатларни чегаралаш билан боғлиқ бўлган навбатдаги муаммо бу ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотларни печка ва пар камераларидан омборга ташиш билан боғлиқ харажатларни қайси босқичга олиб бориш муаммосидир.

Бизнингча, бунда ҳам ушбу жараён учун ким масъулиятли эканлигига асосланиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулотларни омборга қабул қилгунга бўлган технологик жараён (ғиштларни араваларга ортиш, ташиш ва тушириш) учун ишлаб чиқариш босқичининг ходимлари жавобгар ҳисобланади. Тайёр маҳсулот омборининг мудирини ғиштларни қабул қилиб олгандан сўнг, уларнинг бутлиги ва сифати учун жавобгар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ғиштларни тайёр маҳсулотлар омборига транспортировка қилиш харажатларини ишлаб чиқариш босқичининг харажатларига олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидланганидек амалдаги ва 2003 йил 1 январдан амалиётга қўллашга рухсат этилган бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасида таъминот босқичи харажатларини умумлаштириш имконияти кўзда тутилмаган.

Бизнингча, таъминот жараёни харажатларини умумлаштирувчи, яъни барча харажатларни ҳисобга олувчи алоҳида счёт бўлиши, унинг дебитида харажатлар акс

этиши, кредитида эса ушбу харажатларнинг чиқиб кетиши кўрсатилиши зарур.

Бизнингча, таъминот жараёни харажатлари ҳисобини ташкил қилиш энг аввало қуйидаги талабларни эътиборга олиши зарур:

Таъминот жараёнининг барча харажатларини умумлаштиришнинг имкониятини яратиш.

Ҳақиқий харажатларнинг смета харажатларидан четланишини аниқлаш.

Харажатларнинг таркибини аниқлаш.

4. Тежалган ва ортиқча сарфлар суммасини аниқлаш. Таъминот босқичи харажатларини юқоридаги талаблар асосида юритиш учун бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасида қуйидаги биринчи ва иккинчи тартибли счётларни очиш зарурияти туғилади:

1500 — «Таъминот босқич харажатлари» биринчи тартибли ҳисоби;

1510 — «Таъминот босқичи доимий харажатлари»;

1520 — «Таъминот босқичининг ўзгарувчан харажатлари»;

1530 — «Таъминот босқичи харажатларининг четланиши».

Юқоридаги учта иккинчи тартибли счёт ҳисобланади.

1510 — «Таъминот босқичининг доимий харажатлари ҳисобида таъминот билан шугулланувчи бўлинманинг доимий харажатлари омборхоналарни сақлаш ва эксплуатация қилиш харажатлари, меҳнат ҳақи ва унга нисбатан қилинадиган ажратмалар, сафар харажатлари ва бошқа доимий харажатлар ҳисобга олинади».

1520 — «Таъминот босқичининг ўзгарувчан харажатлари счётида ишлаб чиқариш жараёни учун зарур хомашё ва материаллар ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни тайёрлаш, сотиб олиш, транспортировка қилиш харажатлари ҳисоби олинади».


1530 — «Таъминот босқичи харажатларининг четланиши» счётида эса ҳақиқий харажатлар билан смета харажатлари ўртасидаги фарқ сумма ҳисобга олинади.

Қуйида таъминот босқичи харажатларининг бухгалтерия ҳисобида акс этирилиши келтирилган.

1500 — «Таъминот босқичи харажатлари»ни ҳисоби олишнинг юқоридаги тартибининг асосий мақсади таъминот билан шуғулланувчи хўжалик бўлинмасининг фаолиятига баҳо бериш.

Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари асосида корхонанинг режа бўйича умумий фойдасининг ўзгаришига ушбу бўлинма қай тарзда (ижобий харажатларни тежаш, салбий — харажатларни ортиқча сарфлаш) ҳисса қўшганлигини аниқлаш. Ушбу маълумотларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш орқали эса корхонанинг келгусидаги фаолиятини режалаштиришдан иборатдир.

Аммо ҳақиқий харажат ва смета харажатларини таққослаш учун сотиб олинган ёки тайёрланган хом ашё ва



2-чизма. Таъминот босқичи харажатлари ҳисобининг тавсия қилинган схемаси.

материалларнинг тайёрлаш таннархини аниқлаш талаб қилинади. Ҳозирча бизнинг амалиётимизда фақат сотиб олинган, тайёрланган хом ашё, материалларнинг қиймати аниқланади ва улар ҳисоб баҳосига асос қилиб олинади.

Маълумки, ҳар бир корхона бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнига эга бўлиши ва ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттирилиши учун йил охирида таъминотлар билан келгуси йил учун баъзан эса бир неча йиллар учун шартномалар тузадилар. Бундай шартномаларга эга бўлмаган корхоналарнинг эса келажаги йўқ. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов шундай деган эди: «Агар тадбиркор бозор муносабатлари шароитида муваффақиятли фаолият олиб боришни истаса, энг аввало, таъминотчилар ва харидорлар билан нафақат бир йилга, балки бир неча йиллик шартномаларга эга бўлиши шарт. Бундай шартномаларга эга бўлмаган кишиларни тадбиркор деб ҳисоблаш нотўғри бўлади».

Шу нуқтаи назардан тадбиркорлар ҳар бир таъминотчи билан шартнома тузади ва уларни келтириш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ҳисоблаб тайёрланаётган хомашё ва материаллар ва хизматларнинг таннархини ҳисоблаб чиқади. Биз таклиф қилаётган хом ашё ва материаллар, хизматлар ва маҳсулот ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган бошқа ресурслар (газ, сув, пар ва ҳ.з.)нинг тайёрлов таннархи доимий харажатлар 1510 — «Таъминот босқичининг доимий харажатлари» ва 1520 — «Таъминот босқичининг ўзгарувчан харажатлари» счётлари маълумотлари асосида ҳисобланади.

1520 — «Таъминот босқичининг ўзгарувчан харажатлари» счётда аналитик ҳисоб ҳар бир мол юборувчи ва пудратчилар учун алоҳида юритилади. Шунингдек гишт ишлаб чиқарувчи заводларнинг асосий хом ашёси ҳисобланган қум, оҳактош, тупроқ ва бошқаларнинг тайёрлов таннархи ҳар ойнинг охирида аниқланиши зарур.

1520 — «Таъминот босқичининг доимий харажатлари» эса ҳар бир тайёрлов таннархининг калькуляция объектига смета қиймати бўйича тақсимлашни тавсия қиламиз. Сабаби йил бошида корхона учун зарур бўлган барча хом ашё ва материаллар, хизматлар ва бошқа истеъмол қилинадиган ресурслар (сув, газ, пар ва ҳ.з.) нинг бир бирлиги ва жамининг смета қиймати аниқланади.

1510 — «Таъминот босқичининг доимий харажатлари» ва 1520—«Таъминот босқичининг ўзгарувчан харажатлари 1530—«Таъминот босқичининг четланиши» билан боғланади. Таъминот босқичининг доимий ва ўзгарувчан харажатлари белгиланган сметадан ошиб кетганда ушбу четланишлар салбий четланиш ҳисобланади ва 1530—«Таъминот босқичининг четланиши» счётининг дебитида акс эттирилади. Ижобий четланиш (ҳақиқий харажатларнинг смета харажатларидан паст булиши) ушбу счётнинг кредитида акс этади. Бу ерда шу нарсга эътибор қаратилиши керакки, 1510 — «Таъминот босқичининг доимий харажатлари» ва 1520 — «Таъминот босқичининг ўзгарувчан харажатлари» счётлари смета қийматига (яъни, ҳисоб баҳоларига) кредитланади ва 1000 — «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» ва 1200 — «Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобга олувчи счётлар» дебетланади.

Қолган фарқ суммалар эса 1530 — «Таъминот босқичи харажатларининг четланиши» счётида юқорида келтирилган тартибда акс эттирилади.

1530 — «Таъминот босқичи харажатларининг четланиши» счётини ҳар ойнинг охирида сотилган ва омборга қабул қилинган маҳсулотларга тақсимланиши зарур. Корхона омборида сақланаётган ва ишлаб чиқариш босқичидаги хом ашё ва материалларга тегишли таъминот босқичи харажатларининг четланган қисми ушбу счётнинг дебити (салбий четланиш) ва кредитида (ижобий четланиш) ҳисоби олинади. Ой ва чорак бошига баланс тузилган пайтда 1530 — «Таъминот босқичи харажатларининг

четланиши» счётининг охирги қолдиги ушбу счётда акс эттирилмасдан ҳисобланади ва ушбу сумма балансда хомашё ва материаллар қийматига қуйилган ҳолда ҳисобга олинади. Фақат йил охирида ушбу счёт ёпилади ва унда қолдиқ қолмайди.

Маълумки, харажатлар ҳисобининг энг мураккаб ва шу билан биргаликда салмоқли қисми ишлаб чиқариш босқичига тўғри келади. Иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш ва Ўзбекистон қурилиш материаллари акциядорлик компаниясига қарашли ғишт ишлаб чиқарувчи заводларнинг фаолиятини тадқиқ қилиш бизга ишлаб чиқариш босқичида харажатлар ҳисобининг қуйидаги асосий муаммолари мавжудлигини кўрсатди:

Ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ҳисоби ва ундаги муаммолари;

Бевосита ва билвосита харажатлар ҳисобидаги муаммолари;

Билвосита харажатларни тақсимлашдаги муаммолар;

Унумсиз харажатлар ҳисобидаги муаммолар;

Ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисобидаги муаммолар.

Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ва аниқ юритиш кўп жиҳатдан уларнинг дастлабки ҳисобига боғлиқдир. Чунки ҳар қандай хўжалик жараёни энг аввало дастлабки ҳужжатларда ўз аксини топади ва унинг барча реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши, харажатлар тўғрисидаги маълумотларни етарли даражада шаклланишини таъминлайди.

Аммо ҳозирги пайтда ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатларни ҳисобга олувчи ҳужжатлар бозор иқтисодиёти шароитида харажатлар ҳисоби тизими талаб қиладиган талабларга жавоб бера олмайди, чунки уларда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

1. Дастлабки ҳужжат шакллариининг турли-туманлиги ва улар мазмунининг ортиқчалиги.

2. Дастлабки ҳужжат шаклларида ҳар хил кўрсаткичларининг мавжудлиги ва уларнинг кўпчилигининг амалиётда қўлланмаслиги.

3. Ишлаб чиқариш босқичида бажариладиган технологик жараёнларни акс эттирувчи кўрсаткичларнинг йўқлиги.

Бизнингча, бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда харажатларнинг дастлабки ҳисоби олдида қуйидаги асосий вазифалар қўйилиши зарур:

— барча ҳақиқий харажатларни уларнинг вужудга келиш жойлари, жавобгарлик марказлари ва харажат марказлари бўйича юритиш учун маълумотларни акс эттириши;

— амалга оширилган ишларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш;

— моддий, иш ҳақи харажатлари ва бошқа ресурсларнинг истеъмол қилинишининг мақсадга мувофиқдиги, қонунийлиги устидан тезкор назоратни таъминлаши;

— харажатларни бевосита ва билвосита харажатларга ажратиш учун зарур маълумотларни бериши.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатларни ҳисобга олувчи бошланғич ҳужжатларни таҳлил қилиш, уларда 50 тага яқин дастлабки ҳужжат шакллари қўлланилишини кўрсатди. Фақатгина материал харажатларни ҳисобга олувчи ҳужжатлар 30 тага яқин. Ушбу жараёни таҳлил қилиш материаллар сарфи билан боғлиқ. Хўжалик жараёнларини расмийлаштириш учун улардан бир нечтасини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга сарфлаш жараёнини расмийлаштиришда жиддий камчиликлар бор. Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга сарфланганда лимитзабор картасини қўллаш, сарфланаётган материаллар устидан назоратни таъминлаш имкониятини бериш билан биргаликда ушбу операцияларни расмийлаштиришда

қўлланадиган ҳужжатлар сонини қисқартиради ва ҳисоб жараёнини соддалаштиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга ҳақ тўлашда нафақат миқдор, балки сифатга қараб ҳақ тўлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларининг такомиллашуви шуни ҳисобга олувчи дастлабки ҳужжатларни ҳам такомиллаштиришни талаб қилади. Ҳозирги пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ҳисобга олиш учун қатор дастлабки ҳужжатлардан фойдаланилади. Уларнинг ичида энг кенг қўлланиладиган ҳужжат «Бажарилган иш ва меҳнат ҳақини ҳисобга олишнинг ҳужжат тизими». Ҳужжат тизими оддий ва ҳамма учун маъбул тизим бўлиш билан биргаликда унинг қатор камчиликлари ҳам мавжуддир.

Биринчидан, ҳужжатларнинг ишлаб чиқаришнинг бошланишигача ёзиб қуйилиши, унда бажариладиган барча ишларни ўз ичига олмайди ва кўшимча иш турлари бажарилганда унга кўшимча ҳужжатлар ёзишни талаб қилади.

Иккинчидан, ҳужжатларда ишлаб чиқаришда содир булган яроқсиз ва туриб қолишларни ҳисобга олувчи реквизитларнинг мавжуд эмаслиги.

Учинчидан, нарядларнинг қўлланиш ички хўжалик ҳисобини чуқурлашувини таъминламайди.

Бизнингча, кўшимча бажарадиган ишлар ва туриб қолишларни ҳисобга олишда шундай ҳужжатлар қўлланилиши керакки, улар ортиқча сарфланаётган харажатлар тўғрисида огоҳлантириш билан биргаликда уларнинг сабаблари ва айбдорлари тўғрисида ҳам маълумот берилиши зарур. Чунки кўпчилик иқтисодчилар огоҳлантирувчи кўшимча ҳужжатларда алоҳида қизил чизиқларнинг бўлиши етарли деб ҳисоблайдилар.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш босқичидаги технологик жараён-

ларни бажаришда машина ва асбоб-ускуналардан кенг фойдаланилади. Уларнинг асраш, фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ҳам амалга оширилади ва улар охириги босқичда маҳсулот таннархида ўз аксини топади. Аммо машина, асбоб-ускуналарни асраш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар 21-бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режасини қўллаш» бўйича кўрсатмасида ушбу харажатлар 2510 — «Умумишлаб чиқариш сарфлари» счётида ҳисобга олиниши кўрсатилган. Аммо қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланилаётган машина, асбоб-ускуналарнинг таркиби ва уларнинг бажарадиган функцияларининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга боғлиқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш барча машина, асбоб-ускуналарни асраш, фойдаланиш харажатлари билвосита харажатлар эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам 21-бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси ва уни қўллаш бўйича кўрсатма» бўйича «Машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар»ни 2510— «Умум ишлаб чиқариш сарфлари» счётида ҳисобга олиш илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган.

Юқоридаги таҳлил маълумотларига асосланган ҳолда машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни ҳаражат объектларига олиб бориш бўйича қуйидаги тавсияларни бериш ўринли ва асосли деб уйлаймиз:

Фақат битта маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва фойдаланиш харажатларини бевосита ўша маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига олиб борилиши зарур.

Бир нечта маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва фойдаланиш

харажатларини эса тақсимланадиган харажатлар сифатида 2510 — «Умумишлаб чиқариш сарфлари» ҳисобида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш босқичидаги харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғри, аниқ ва етарли даражада шаклланиши учун ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби алоҳида аҳамиятга эга. Чунки маҳсулот таннархи ва унинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисобидан олинади.

Аналитик ҳисобни тўғри ташкил қилиш кўп жиҳатдан харажатларнинг калькуляция моддаларини тўғри белгилашга боғлиқдир. Сабаби харажат моддаларини тўғри белгилаш маҳсулот таннархини таркиби тўғрисида батафсил маълумот олиш имкониятини яратади. Аналитик ҳисобни юритишдан кўзланган мақсад ҳам ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи ва унинг таркиби тўғрисида етарли даражада маълумотга эга бўлишдир. Аммо харажатларнинг калькуляция моддаларини ҳаддан ташқари майдалаштириш кераксиз маълумотларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бундан ташқари ҳисоб жараёнининг мураккаблашуви ва иш ҳажмининг ошишига олиб келади.

III БОБ. ХАРАЖАТЛАРНИ ТЕЗКОР ВА ЖОРИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСЛУБИ

3.1. Харажатларни тезкор назорат қилиш услуги ва уни такомиллаштириш

Иқтисодиётнинг барча ривожланиш жараёнларида корхоналарда ички ва ташқи назорат мавжуд бўлган. Аммо бозор муносабатлари шароитида эса корхоналар фаолиятини ички ва ташқи назоратини олиб боришнинг мазмуни ва моҳияти тубдан ўзгаради. Корхоналар фаолиятининг назорати эндиликда марказлаштирилган режали иқтисодиётдагига нисбатан сифат жиҳатдан ўзгарди (7-жадвал).

Бозор иқтисодиёти шароитида назоратни ташкил қилиш қуйидаги вазифаларни бажариши зарур:

Бошқарув аппарати аниқ қарорлар қабул қилиш учун маълумотларни йиғиши, қайта ишлаши ва тартибга солиши керак;

Корхона фаолиятининг барча соҳаларини иқтисодий натижаларини таҳлил қилиши;

Корхона фаолиятининг истиқболдаги ривожланиш структурасини режалаштириш учун маълумотлар базасини яратиши;

Корхонанинг хўжалик механизми ва унинг алоҳида элементларини самарали фаолият кўрсатиши учун бошқарув жараёнини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаши;

Бизнес-режа ва бошқарув қарорининг бажарилишини назорат қилиш.

Бозор муносабатлари шароитида назоратни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад корхонанинг барча ресурсларидан самарали фойдаланилган ҳолда максимал даражада ўз фойдасини кўпайтириш ва шу йўл билан рақобат муҳитида ўз ўрнини мустақил сақлашдир.

Бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия нафақат назорат воситаси, балки корхона раҳбариятига уни самарали бошқариш зарур маълумотлар базасини яратиб бериши керак.

7-жадвал

Марказлаштирилган режали иқтисодиёт ва бозор муносабатлари шароитидаги назоратнинг хусусиятлари

Таққослаш белгилари	Бозор муносабатлари шароитида	Марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида
1. Назорат маълумотларининг истеъмолчилари	Корхона раҳбарлари, мутахассислар, ишчи ва хизматчилар	Корхона раҳбарлари, мутахассислар, ишчи ва хизматчилар, юқори ташкилот.
2. Назоратни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад.	Корхонанинг молиявий ҳолатини ўрганиш.	Корхонанинг режа кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш.
3. Маълумот олиш манбалари.	Бизнес-режа, ҳисоб ва иқтисодиёт ахборот воситалари маълумотлари.	Режа, ҳисоб ва бошқа ихтисослашуви бир хил корхоналар маълумотлари.
4. Назоратни амалга оширувчилар.	Корхона ички аудит хизмати, чет ташкилотлардан шартнома асосида жалб қилинган мутахассислар.	Корхона ревизия комиссияси аъзолари ва мутахассислари.
5. Назоратнинг асосий объектлари.	Корхонанинг молиявий ҳолати билан боғлиқ бўлган барча хўжалик жараёнлари.	Корхонанинг режа кўрсаткичларининг бажарилиши билан боғлиқ хўжалик жараёнлари.
6. Назоратни ўқатиш эркинлиги.	Ички аудит хизмати томонидан ишлаб чиқилган режа асосида	Ревизия комиссиясининг иш режаси асосида, партия ва давлат ташкилотларининг кўрсатмалари, буйруқлари асосида.
7. Маълумотнинг ош кордит.	Корхонани тижорат сирини сақлаш.	Мусобақани ривожлантириш учун маълумотларни ошкор қилиш.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бозор муносабатлари шароитида назоратнинг мазмуни, моҳияти ва унинг функциясини марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитидан тубдан фарқ қилади.

Юқорида қўйилган вазифаларни харажатларнинг назоратига ҳам тааллуқлидир. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида харажатларни назорат қилиш асосан уларнинг режа кўрсаткичларидан ошиб кетмаслигига қаратилган эди.

Харажатларнинг назоратини амалга ошириш асосан бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотларга асосланар эди. Аммо Ўзбекистон қурилиш материаллари акциядорлик компаниясига қарашли заводларида амалга оширилаётган харажатларни назорат қилиш услубияти билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш амалдаги услубиятининг бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермаслигини кўрсатди. Чунки назорат маълумотлари асосан миқдорий кўрсаткичларини ўз ичига олади ва сифат кўрсаткичлари эса четда қолмоқда. Шунинг учун ҳам тадқиқ қилинган аксарият заводларининг рентабеллик кўрсаткичларининг паст даражадалиги назоратнинг талаб даражасида ташкил қилинмаганлиги билан боғлаш мумкин.

Назоратнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан даврий назорат, жорий назорат ва кейинги назоратни бир-бири билан узвий равишда ўтказилишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи заводларида ушбу назорат турларининг амалга оширилишини таҳлил қилиш уларнинг ҳеч бирининг амалиётда мавжуд бўлган тартибда ва белгиланган талаблар асосида ўтказилмаётганлигини кўрсатади. Бизнингча, бунинг сабаблари қуйидагилар билан боғлиқ:

1. Айрим корхона мутахассислари ханузгача марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитининг бошқарув муҳитида фойдаланилган иш услублари асосида ишлаётганлиги. Натижада корхонанинг бошқариш жараёнида

фойдаланилган маълумотлар тизимининг ҳам эскича қолаётганлигидир.

2. Республикамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, хусусан гишт заводларининг ташкилий техникавий ва бошқарув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳодда харажатларни назорат қилиш услуби бўйича тавсия ва таклифларнинг мавжуд эмаслиги. Аниқроғи ушбу масалалар назарий ва амалий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган.

Маълумки, харажатларнинг олдинги назорати операция бошлангунча амалга оширилади ва ундан кўзланган мақсад ноқонуний, мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки нотўғри хатти-ҳаракатларнинг олдини олишдир. Харажатларнинг олдинги назоратини амалга ошириш асосан тузилган смета харажатлари асосида амалга оширилади ва улардаги кўрсаткичларнинг қонунийлиги, технологик жиҳатдан асосланганлиги текшириб кўрилади.

Жорий назорат харажатлар билан боғлиқ хўжалик операцияларини амалга ошириш жараёнида ўтказилди. Ушбу назоратнинг мақсади йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш билан биргаликда режалаштирилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштиришдир.

Кейинги назорат харажатларининг смета бўйича сарфланишини ва улардан четланиш сабабларини ўрганиш уларнинг самарадорлигини, мақсадга мувофиқдигини ўрганиш мақсадида амалга оширилади. Харажатларнинг ушбу назорати операциялар содир бўлганидан сўнг амалга оширилганлиги ҳам улар асосида тегишли хулосалар ва келгуси давр учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Аммо ушбу назорат маълумотлари асосида ўтган давр учун фақат изоҳ бериш мумкин, лекин натижаларни яхшилаш имкониятлари йўқ.

Ушбу камчиликларни харажатларнинг тезкор назорати ёрдамида тугатиш мумкин. Чунки тезкор назоратни харажатларнинг турлари, даврлар, ишлаб чиқариш босқич-

ларининг технологик жараёнлари бўйича амалга ошириш мумкин. Хўжалик бўлинмалари харажатларини тезкор назорат қилиш моддий меҳнат ва молиявий ресурслардан корхонанинг самарали фойдаланиш имкониятларини яратади.

Юқорида таъкидланганидек қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда тезкор назоратни амалга ошириш услуби ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотлар қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда хўжалик бўлинмалари харажатларини тезкор назорат қилиш жуда паст даражада ташкил қилинганлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, корхоналарда харажатларнинг тезкор назоратнинг самарали бўлиши учун ишлаб чиқариш босқичлари (таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш)даги технологик жараёнларнинг иш турлари, даврлар ва ҳар бир маҳсулот турлари бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда, хусусан, гишт заводларида тезкор назорат асосан тезкор маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан чегараланмоқда. Аммо уларнинг кўпчилиги эса миқдорий кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлиб, харажатларни акс эттирувчи кўрсаткичлар эса мавжуд эмас.

Бизнингча, харажатларнинг тезкор назоратини тўғри ташкил қилиш учун энг аввало тезкор назорат объектиларни тўғри белгилаш зарур. Харажатларнинг тезкор назорат қилиш объектилари аниқлангандан сўнг, уни амалга ошириш услуби ишлаб чиқарилиши керак. Шундай экан, қурилиш материаллари чиқарувчи заводларда қайси харажатлар тезкор равишда назорат қилиниши зарур. Табиийки, ҳар қандай харажат назоратга тортилади. Лекин корхонанинг барча харажатлари тезкор равишда назорат қилинмайди. Чунки баъзи жараёнларни тезкор назорат қилишга эҳтиёжи йўқ бўлса, бошқаларини тезкор назорат қилиш имконияти йўқ ёки қутилган самарани бермайди.

Тезкор назорат объектларини тўғри белгилаш учун харажатларнинг вужудга келиш жойларини ўрганиш зарур. Чунки уларни ўрганиш тезкор назорат объектларини тўғри белгилашни таъминлайди. Шу нуқтаи назардан биз ишлаб чиқариш жараёнининг таъминот босқичида харажатларнинг вужудга келиши жойларини ўргандик.

Ишлаб чиқариш жараёнининг таъминот босқичида харажатларни вужудга келиш жойларини икки гуруҳга ва у ердаги харажатларни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин.


Биринчиси, қум ва тупроқ каръери бўлса, иккинчиси қум ва тупроқ омбори. Биринчи гуруҳга гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий хом ашёси ҳисобланган қум, тупроқ ва оҳак карьерлари бўлиб, бу ерда вужудга келадиган харажатлар асосан карьерларни сақлаш билан боғлиқ харажатлардир. Уларга қум ва тупроқ карьерларни эксплуатация қилишда қатнашаётган бошқарув аппаратурини сақлаш харажатлари, қум ва тупроқ карьерини сақлаш билан боғлиқ харажатлар ва тўланадиган солиқ сармояларини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга, карьерда ишлаётган асосий воситаларнинг сақлаш харажатлари киради. Уларга асосий воситаларнинг амортизацияси ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Учинчи гуруҳга қум ва тупроқни транспортировка қилиш билан боғлиқ харажатлар, яъни тупроқ ва қумни ортиш, ташиш ва уларни йиғиш харажатлари киради.

Туртинчи гуруҳга эса қум ва тупроқ омборида вужудга келган харажатлар киради. Умуман ушбу гуруҳ харажатларини иккига бўлиш мумкин. Биринчисига омборни сақлаш билан боғлиқ харажатлар, омборнинг маъмурий-бошқарув харажатлари ва омборнинг амортизацияси ва уни сақлаш харажатлари. Иккинчиси эса омбордаги қум ва тупроқни йиғиш, цехларга узатиш ва бошқа ўзгарувчан харажатлардан иборат.

Умуман, таъминот босқичида вужудга келадиган барча харажатларни бажарилган иш ҳажмига боғлиқдиги нуқтаи



3-чизма. Таъминот босқичида харажатларнинг вужудга келиш жойлари.

назаридан иккига, доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади. Доимий харажатларга карьерда вужудга келадиган биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатларини, шунингдек, қум ва тупроқ омборида вужудга келадиган омборни сақлаш харажатлари ва омборнинг маъмурий-бошқарув харажатлари ва унинг амортизацияси киради. Ушбу харажатлар деярли иш ҳажми билан боғлиқ эмас ва улар доимий характерга эга. Ўзгарувчан харажатларга эса бажарилган иш ҳажми билан боғлиқ харажатлар киради, яъни карьерда вужудга келадиган учинчи гуруҳ харажатлари, қум ва тупроқ омборида вужудга келадиган қумни ва тупроқни йиғиш, цехларга узатиш ва бошқа ўзгарувчан харажатлар киради.

Ўзгарувчан харажатлар бажарилган иш ҳажми билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун ҳам уларнинг белгиланган смета (режа) харажатлари ва технология жараёнида белгиланган меъёрлар чегарасида сарфланишини назорат қилиш талаб қилинади. Тўғрироғи ортиқча сарф харажатларга йул қуймаслик учун эса уларни тезкор равишда назорат қилиш талаб қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ўзгарувчан харажатларни тезкор назорат объектлари деб ҳисоблаш мумкин. Доимий харажатлар ҳам албатта назорат қилиниши зарур, аммо улар тезкор назорат объектлари ҳисобланмайди. Демак, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида вужудга келадиган харажатларни тезкор назорат объектлари сифатида тан олишда уларнинг бажарилган иш ҳажмига боғлиқлигидан келиб чиқишини тавсия қилиш учун тўла асос бор деб ҳисоблаймиз. Бундай ҳулоса чиқариш учун таъминот босқичида вужудга келадиган барча харажатларнинг таҳлилига асосланилди.

Тезкор назорат объектлари белгилангандан сўнг ушбу объектлари бўйича назоратни ўтказиш услуби ишлаб чиқилиши зарур. Ҳозир амалда харажатларни назорат қилишдан кўра, кўпроқ бажарилган иш ҳажмлари кундалик маълумотномаларда ўз аксини топади. Аммо ушбу бажарилган

иш ва хизматлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қанчага тушаётганлиги ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида тезкор маълумот олиш имкониятлари йўқ. Чунки амалдаги услуби марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароити талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Асосли кўрсаткич миқдорий кўрсаткич, яъни юқори органлар томонидан, белгиланган режа кўрсаткичларни бажариш ҳисобланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса асосий мақсад энг аввало фойда олиш ва доимий равишда молиявий барқарорликка эришишдир. Ушбу мақсадга эришиш йўлларида бири ҳар бир корхона ўз харажатлари ва даромадлари тезкор назорат қилишлари зарур. Бу бошқарув аппаратида ўз вақтида тегишли чора ва тадбирларни кўриш учун зарур маълумотларни беради (4-чизма).

Шу нуқтаи назардан биз корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини тезкор назорат қилиш услуби бўйича барча харажатлар жавобгарлик ва масъулият марказлари бўйича гуруҳланади.

Ғишт ишлаб чиқарувчи заводларда жавобгарлик марказлари бевосита технологик жараёнларни бажарувчи тракторчилар, экскаваторчилар ва ишчилар ҳисобланади. Улар фақат ўз фаолиятининг натижалари учун жавоб беради. Масъулият марказлари бу ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш билан шуғулланувчи раҳбар ва мутахассислардир. Энг аввало уларга ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари, усталар, цех бошлиқлари ва бошқа раҳбарлар киради. Уларнинг ҳар бири ишлаб чиқариш жамоасининг иш фаолиятига жавоб беради.

Харажатларни жавобгарлик марказлари бўйича тезкор назоратини амалга ошириш учун биз бригада аъзоларининг кундалик иш ҳажмлари ва харажатлари тўғрисида ҳисобот шаклини тавсия қиламиз (2-илова).

Ушбу ҳисобот шаклидаги кўрсаткичлар асосида бригаданинг ҳар бир аъзоси ва бригада бўйича кундалик иш

ҳажмлари ва харажатлари тўғрисида маълумот олиш мумкин. Ушбу ҳисобот шаклида харажатларнинг режали ва ҳақиқий суммалари таққосланади ва ортиқча сарф ва тежалган сумма аниқланади.


Ҳисобот маълумотлари асосида бригада ва унинг ҳар бир аъзосининг иш фаолиятига баҳо берилади.

Ғишт ишлаб чиқарувчи заводларнинг ишлаб чиқариш босқичида, яъни бевосита ғишт ишлаб чиқариш жараёнида иш бригада шаклида кўпроқ ташкил қилинади. Шунинг учун ҳам бригаданинг иш фаолиятига баҳо бериш йўл қуйилган хато ва камчиликлар ва самарасиз харажатларнинг олдини олиш учун «Пишган ғишт ишлаб чиқариш бригадасининг кунлик ва ойлик ҳисоботи» шакли ишлаб чиқилди ва у бригада харажатларини тезкор назорат қилиш имкониятини беради. Ушбу ҳисобот шаклида пишган ғишт ишлаб чиқариш бригадасида сарфланадиган харажатлар номенклатураси жами харажат, 1000 та ғиштнинг таннарихи ва олинган маҳсулот каби ишлаб чиқариш бўлинмасининг фаолиятини тезкор назорат қилишда ва баҳо беришда зарур бўлган маълумотлар мавжуд.

Худди шундай ҳисобот шакли қум ва тупроқ каръери бўлинмалари (бригадалари) учун тавсия қилинди (3—4 иловалар).

Ҳар қандай корхонанинг иқтисодий самарадорлигининг юқори бўлиши энг аввало ҳар бир корхона аъзосининг иш унумдорлиги ва тежамкорлигига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳар бир ишчининг ой давомида бажарган иш ҳажмлари ва уларга сарфланган харажатлар ва бажарилган иш бирлигининг таннарихи каби кўрсаткичларни тезкор таҳлил қилиш орқали ҳам раҳбар ва мутахассислар учун қимматли маълумотлар олинади ва тезкор назоратнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Корхонада ҳар бир ишчининг фаолияти тўғрисида маълумотлар тўплаш мавжуд бўлиши зарур. Ушбу маълумотлар асосида корхонада меҳнат ресурсларидан, мавжуд ишчи кучидан қай даражада самарали фойдаланиш таҳлил



4-чизма. Тезкор назорат ўтказиш усули.

қилинади. Ушбу маълумотларнинг қимматлилиги ва зарурлигини эътиборга олган ҳолда ҳар бир ишчиға қуйидаги шаклда шахсий счёт очишни тавсия қиламиз (5-илова). Таклиф қилинган шахсий счётда ишчиларнинг иш фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган кўрсаткичлар ҳар бир ой учун йиғилиб борилади ва йил охирида эса йиллик маълумотни олиш мумкин. Умуман таклиф қилинган ҳисобот шакллари қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатларнинг тезкор назоратини самарали амалга оширилиши учун зарур маълумотлар вужудга келтиради ва улар қуйидагиларга қаратилган:

1. Фишт ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишчиларнинг фаолияти натижаларини объектив баҳолаш учун етарли маълумотлар яратиш.

2. Харажатларнинг тезкор назоратни олиб бориш учун уларни ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари бўйича амалга ошириш.

3. Таклиф этилган ҳисобот шаклларини тузиш жараёнини тезкорлаштиришни амалга ошириш. Бу ўз навбатида бошқарув ходимлари учун зарур маълумотларнинг вужудга келтирилиши билан бирга ҳисоб китоблар учун сарфланадиган вақтнинг тежалишини таъминлайди.

3.2. Харажатларни жорий назорат қилиш услуби

Харажатларни жорий назорат қилиш корхоналар фаолияти учун маълум аҳамиятга эга. Чунки ушбу назорат маълумотлари асосида корхона ўзининг иш фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликларини бартараф этиш билан биргаликда келгусида харажатларни тежаш бўйича аниқ чора ва тадбирларни ишлаб чиқилади.

Корхона харажатларини жорий назорат қилишда асосан ишлаб чиқариш бўлинмалари ва корхона бўйича ойлик чораклик ярим йиллик ва йиллик харажатлар ҳажми ва

маҳсулот чиқими тўғрисидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Қурилиш материаллари давлат акциядорлик компаниясига қарашли ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар уларнинг бўлинмаларида фаолият акс эттирувчи ҳисоботлар ва аналитик ҳисоблар билан танишиш улардаги маълумотларнинг харажатларни жорий назорат қилиш учун етарли эмаслигини кўрсатди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини акс эттирувчи ҳисобот шакллари марказлаштирилган режали иқтисодий шароитида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги янги иқтисодий шароит талабларига мутлақо жавоб бермайди.

2. Корхоналарда харажатлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи аналитик ҳисобнинг тузилиши ва таркиби қурилиш материаллари ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг талаб даражасида шаклланиши учун шароит яратмайди.

Натижада ушбу корхоналарда харажатларнинг жорий назорати талаб даражасида ташкил қилинмаган.

Харажатларни жорий назорат қилишни икки йўналишда бир-бири билан узвий боғлаган ҳолда олиб бориш зарур деб ҳисоблаймиз. Биринчи йўналишда харажатларни ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича жорий назорат қилиш. Иккинчи йўналишда харажатларни ишлаб чиқариш жараёни босқичлари бўйича жорий назорат қилиш (5-чизма). Шунингдек, ойлик ҳақиқий харажатлар, йил бошидан бошлаб харажатлар суммаси ва режа бўйича ой бошига қолган харажатлар суммаси каби назорат кўрсаткичлари ой ва йил давомида харажатларни узлуксиз назорат қилишни таъминлайди.

Иккинчи йўналишда ишлаб чиқариш жараёни босқичларида харажатларнинг жорий назоратини амалга оширишда назорат кўрсаткичлари сифатида иш ҳажми (миқдор ва қийматда), бажарилган иш ва маҳсулот таннархи, харажат

моддалари ва жами харажатларнинг режадаги ва ҳақиқий суммаси таққосланиши натижасида уларнинг четланишининг ҳисобга олиниши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир босқичда харажатлар юқорида таъкидланган назорат кўрсаткичлари асосида назорат қилиниши харажатларнинг қайси босқичда тежалиши ёки ортиқча сарфланиши тўғрисида маълумотлар беради.

Харажатларни икки йўналишда жорий назорат қилиш назоратнинг узлуксизлиги ва тўлалигини таъминлайди.

Албатта ҳар қандай назоратни ўтказиш учун маълумотлар етарли бўлиши зарур. Шу мақсадларда таклиф этилган харажатларни жорий назорат қилиш методикаси ҳам маълумотлар тўпламининг етарли ва аниқ бўлишини талаб қилади. Аммо Республика қурилиш материаллари давлат акциядорлик компаниясига қарашли заводларида таклиф этилган харажатларни жорий назорат қилишни амалга ошириш имкониятини бермайди. Чунки талаб қилинган маълумотларни олиш учун ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолияти натижаларини ўзида акс эттирувчи ҳисобот шакллари тубдан ўзгартириш ва таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларида харажатларини назорат кўрсаткичлари бўйича умумлаштирувчи аналитик ҳисоб шакллари ишлаб чиқиш керак бўлади.


Ушбу талабни эътиборга олган ҳолда биз қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари учун «Ишлаб чиқариш бўлинмаси харажатлари ва маҳсулот чиқиши тўғрисидаги ҳисобот» шаклини ишлаб чиқдик. Ушбу ҳисобот шаклида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида вужудга келадиган барча харажатлар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида зарур маълумотларни шакллантиради. Тавсия қилинган ҳисобот шакли ишлаб чиқариш бўлинмасининг жорий ойдаги харажатларини ҳар бир маҳсулот тури бўйича режа, ҳақиқатда ва четланишини харажатларнинг ҳар бир тури ва жамиси бўйича кўрсатиб беради. Шунингдек ҳисоботнинг

иккинчи қисми маҳсулот чиқиши ва таннарх деб аталади. Ушбу қисмдаги кўрсаткичлар ишлаб чиқариш бўлинмасининг жами олинган маҳсулотлари, уларнинг таннархини режа, ҳақиқатда ва четланиши бўйича маълумот беради.

Маълумки, харажатларни ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси бўйича жорий назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлсада, ишлаб чиқариш жараёни босқичлари бўйича харажатларни жорий назорат қилиш эса харажатларни тежашнинг асосий омилларини белгилаб беради. Бунда асосий эътибор жорий назорат кўрсаткичларини тўғри белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки назорат кўрсаткичларини нотўғри белгилаш харажатларнинг таркиби ва салмоғи тўғрисида аниқ маълумот олиш имкониятини бермайди. Бу эса харажатларнинг ортиқча сарфланиши қайси харажатлар ҳисобига содир бўлаётганлиги тўғрисида маълумот олишни четлаштиради. Натижада жорий назоратни ўтказишдан кутилган самарани олиш имконияти вужудга келмайди ёки назорат самарасиз бўлди.

Ушбу омилларни эътиборга олган ҳолда «Таъминот босқичида харажатларни назорат қилиш карточкаси»ни ишлаб чиқдик. Ушбу карточка қурилиш заводларида жорий назоратни амалга ошириш имкониятини беради. Ушбу карточкада харажатлар горизонталига таъминот жараёнида қум, тупроқ ва охакни тайёрлаш учун содир бўлган харажатларнинг салмоғига қараб жойлаштирилган. Вертикалига эса таъминот жараёнининг харажат объектлари ҳисобланган қум, тупроқ, оҳак ва жами таъминот бўйича харажатларни режа бўйича, ҳақиқатда ва четланиши бўйича кўрсатилади.

Харажатларни назорат қилиш карточкасининг иккинчи қисмида маҳсулот чиқиши деб номладик ва унда бажарилган иш, маҳсулот таннархи кўрсаткичлари келтирилади. Ушбу кўрсаткичлар натижавий кўрсаткичлар бўлиб, ой давомида бажарилган иш, маҳсулот ҳажмини кўрсатиш билан бирга бир бирлик маҳсулотнинг ва жами маҳсулотнинг таннархи кўрсатилади. Бу кўрсаткичлар сифат кўрсат-



5-чиизма. Ёиит заводида харажатларнинг жорий назоратини ўтказиш услуби.

кичлари бўлиб, улар таъминот жараёнида бажарилган иш, маҳсулот ҳажмининг бажарилиши, уларнинг бир бирлигининг ва жами маҳсулотнинг таннархи орқали таъминот босқичидаги ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолиятига ҳам баҳо бериш имкониятини беради. Назорат қилиш карточкаси маълумотлари асосида таъминот босқичида харажатларнинг режадан четланишини таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш, ушбу камчиликларни тугатиш учун тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Умуман харажатларни назорат қилиш карточкаси бир томондан маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг ҳисобкитоблари йиғиндисини ташкил қилса, иккинчи томондан маҳсулот таннархининг таҳлилин аналга оширади. Шунинг учун ҳам ушбу маълумотлар бир вақтнинг ўзида харажатларни жорий назорат қилишни аналга ошириш билан бирга маҳсулот ва бажарилган иш таннархига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш орқали харажатларни тежашнинг фойдаланилмаган резервларини ҳам очиб беради.

Ишлаб чиқариш босқичида харажатларни жорий назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг ушбу босқичида бевосита маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Юқорида таъкидланганидек харажатларнинг жорий назоратининг самарали бўлиши учун назорат кўрсаткичларини тўғри белгилаш зарур. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш босқичининг ўзига хос технологик хусусиятларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари, таннархи ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш имкониятларини берувчи маълумотлар туплами-ни вужудга келтирувчи ҳисоб регистрларини ишлаб чиқиш зарур.

Қурилиш материаллари заводларида ишлаб чиқариш босқичининг технологик хусусиятларини таҳлил қилиш уларда ушбу жараённинг ўзига хослиги, маҳсулот чиқи-

шининг ва унинг таннархини ҳисоблашнинг мураккаб-лигини кўрсатди.

Амалиётни, яъни қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш босқичининг харажатларини жорий назорат қилиш услуби билан танишганимизда ва уларни таҳлил қилганимизда шу нарса маълум бўлдики, ушбу корхоналарда барча дастлабки ҳужжат маълумотлари қайта ишланиб, умумлаштирилгач 20 — «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобининг тегишли аналитик сўтларида акс этирилади. Ушбу аналитик сўт маълумотлари асосида эса маҳсулот таннархи аниқланади. Бизнинг фикримизча, харажатларни назорат қилишнинг ушбу тартиби самарасиз усул бўлиб ундан корхона раҳбарияти ва мутахассислари умуман ўзларининг иш фаолиятларида фойдаланаётганлигини кўрсатади. Республика гишт заводларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи ва уларнинг рентабеллиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам бундан далолат беради. Чунки аксарият гишт заводларида рентабеллик 20% ташкил этиши ушбу корхоналарда маҳсулот таннархи кўрсаткичидан корхонани бошқаришда мутлақо фойдаланилмаётганлигининг исботидир. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархидан корхонанинг баҳо сиёсатини бошқаришда унумли фойдаланиш зарур.

Бизнингча, маҳсулот таннархидан корхонани бошқаришда унумсиз фойдаланишнинг бош сабабларидан бири маҳсулот таннархини ушбу корхоналарда бир йилда бир марта республика қурилиш материаллари акциядорлик компаниясига йиллик ҳисобот топшираётган пайтда калькуляция қилиш билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш босқичида харажатларнинг жорий назоратини тўғри ташкил қилиш учун назорат объектлари ва кўрсаткичларини тўғри ва аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир. Назорат кўрсаткичлари сифатида эса маҳсулот ишлаб чиқариш учун

сарфланган харажатлар ва маҳсулот таннархини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, ушбу харажат ва таннархни режа ва ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида аниқланадиган четланишлар эса маҳсулот таннархи ва харажатларнинг тежалиши ёки ортиқча сарфланиши, унинг сабаблари тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Юқорида таъкидланганидек, зарур маълумотлар тўпламини вужудга келтириш учун тегишли ҳисоб регистрларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ишлаб чиқиладиган ҳисоб регистри юқорида қуйилган барча талабларни бажариш учун маълумотлар тўпламини вужудга келтириши зарур.

Шу нуқтаи назардан биз ишлаб чиқариш босқичида харажатларни жорий назорат қилиш объектлари ва кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи махсус карточкани тақлиф этдик (7-илова).

